Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғриси"ги ПФ-5242-сонли Фармони ва "Ҳунарманд" уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3393-сонли қарори ҳамда 2019 йил 28 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси"ги ПҚ-4539-сонли қарорида белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлашда ҳудудий бошқармалар ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари иш фаолиятини ўрганиб, жойларда амалий ёрдам бериш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида жойларда туризм инфраструктураси- ҳунармандчилик омили сифатида кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши учун амалий йўл-йўриқлар шакллантирилди. Ўзбек ҳунармандлари кошинкорлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, каштадўзлик, кулолчилик ва кандакорлик йўналишларида муваффақиятларга эришдилар. Биргина зардўзликда нақшларнинг 50 дан ортиқ турлари қайта тикланди. Ипак ва пахтадан газламалар, каштачилик ва гиламдўзлик хом ашёлари, кулолчилик буюмлари ва кошинкорлик маҳсулотларини ранглаш борасида ўсимликлардан табиий ранг олиш технологиялари яратилди. Ушбу жараёнлар ўз истиқболига эга бўлиб, республика аҳолисига муносиб ҳаёт тарзи, иқтисодий барқарорлик ҳамда ҳунармандчиликнинг эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб бермоқда.

Ўзбекистонда чеклов чоралари ва инқирозли вазиятлар (COWED 19) шароитида ҳам мамлакат маданий меросини жаҳонга тарғиб қилиш, миллий туризмни ривожлантириш вазифалари билан чамбарчас уланиб кетди. Айниқса, миллий хунармандчиликни тиклаш ва иктисодиётни ривожлантириш, аҳолининг даромадини кўтариш, мамлакатда тинчлик-осойишталикни саклаб колиш вазифалари билан ҳам бирга олиб борилмоқда. Бу борада 2020 йил давомида «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Ҳунармандчиликни ривожлантириш», «Ёшлар — келажагимиз» каби давлат Дастурлари доирасида 41 минг 110 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди ҳамда 99 минг 100 нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланди»[21].

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида қадимги ҳунар турларини қайта тиклаш, замонавий анъанавий кўринишларини яратишга оид давлат сиёсати дастлабги йилларда тиклаш ишлари билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинги йилларда ҳунармандчиликнинг тараққиёти яъни, бозор муносабатларига ўтишда ҳунармандчиликда талаб, истеъмол, буюртма учун ишлаб чиқариш

касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик, бозор туризми ҳолатида юзага келиши, мулкий тенглик, ҳунармандчилик модернизациясида урбанизациялашувнинг кучайиши, ҳунармандлар учун турар-жой ва устахона-дўконларнинг яратиб берилиши, қўлда маҳсулот тайёрлаш, техника тараққиёти хусусиятлари билан белгиланади.

Амалга оширилаётган лойиха ва ривожлантириш моделлари

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга кўра, Ўзбекистонда ҳунармандчилик соҳасини ривожланиши учун турли амалий моделлар ва йўл-йўриқлар шакллантирилмоқда. Дастлабки йиллардаги "*шахсий ҳунармандчилик-бозор*" модели; давлат "*маҳаллий саноат*" корпорацияси моделига; кейинчалик фанга ва молиявий ёрдамга, рақобатчилик, уста-шогирд ва маблағлантириш тамойилларига асосланган "*экспортга қаратилган саноат-ресурс*" моделига айланди. Шу вақтдаёқ бу тизим нодавлат ташкилотлар ва саноат корхоналари билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Бу моделларни амалда ошиши учун халқ ҳунармандчилигини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш мақсадида республикада бир қатор жамғармалар ва уюшмалар ташкил этилди; миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир турли кўргазма, кўрик-танлов, симпозиум, фестивал ва халқаро илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

1) Ҳунармандларни қўллабқувватлаш мақсадида уларни беш йилгача даромад солиғидан озод қилинди, Республикадан четга чиқадиган халқ ҳунармандчилик буюмлари учун бож олиш ҳам бекор қилинди. Солиқ ва бошқа тўловлар борасида берилган имтиёзлар ҳунармандлар фаолияти самарадорлигини юксалтирди;

2) *Шахсий ҳунармандчилик-бозор*" модели асосида ш*аҳар ва туманларда бозорлар ишга туширилиб, ҳунармандлар учун махсус расталар ва дўконлар қуриб берилиши ҳунармандларни ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишига имконият яратилди;*

3*) давлат "маҳаллий саноат" корпорацияси моделининг асосий тамойиллари маҳаллий саноатни бошқаришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этишда корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришда, истеъмол моллари, халқ бадиий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантиришда хизмат қилади. Дастлаб (1992 йилда) Республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноатсавдо бирлашмасига қарашли корхоналар ва ташкилотларни Давлат "маҳаллий саноат" корпорацияси таркибига кирувчи Республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноатсавдо концернига айлантирилди. Бу эса Масалан, маҳаллий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш ва аҳолининг иш билан таъминланишини жорий этиш мақсадини амалга оширади[7]. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиши билан енгил саноат тармоқлари янги сифат босқичига кўтарилди. Республика ҳукумати қарорига кўра, тармоқдаги деярли ҳамма корхоналар давлат тасаррufидан чиқариш дастурига кўра очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. "Ўзбекенгилсаноат" давлат*

уюшмаси томонидан Республика енгил саноатини ривожлантиришнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган. Дастурда Ўзбекистонга четдан илғор технологияларни келтириш, чет эл инвестициясини жалб этиш, банк кредитларидан фойдаланиб, янги замонавий корхоналар қуриш, жаҳон бозорига рақобатдош маҳсулотлар чиқариш, экспорт имкониятларини ошириш белгиланган. Мазкур соҳани модернизация қилиш жараёни шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда пахта толасини ишлаб чиқариш қувватларидан – 51%, ип ишлаб чиқариш – 71%, газлама – 65%, трикотаж – 62%, трикотаж маҳсулотлари – 50%, тикув маҳсулотлари – 52% га фойдаланилмоқда.

4) "*Экспортга қаратилган саноат-ресурс*" модели доирасида *ҳунармандчилик ривожида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларининг ҳам аҳамияти катта бўлиб, қўл ҳунармандчилигига доир кўргазма, кўрик-танлов, симпозиум ва халқаро илмий-амалий анжуманларнинг ўтказилиши соҳа ривожига катта ҳисса қўшди. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад ҳунарманд усталар билан хорижликлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тажриба алмашиш, анъаналарни сақлаб қолиш, ҳунармандларни моддий ва маънавий рағбатлантиришдан иборатдир. Жумладан, 1995 йил 2425 октябр кунлари Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари билан ҳунармандлари иштирок этган биринчи Республика ярмаркасининг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ярмарка хорижий мамлакатларнинг сайёҳларида катта қизиқиш уйғотиши ҳунармандлар фаолиятига эътиборнинг ошишига туртки бўлди[9]. Кўргазмаярмарка якунида миллий ҳунармандчилик тадбиркорлик, бизнесдан тубдан фарқ қилганлиги учун ҳунарманд усталар меҳнатини қадрлаш учун уларга иқтисодий ва ижтимоий масалалар юклатилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳунармандлари халқаро фестиваллар ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, "Усто" бирлашмаси кўмаги билан мискар ҳунармандлар дастлаб 1994 йил Малайзияда, 1997 йил Покистонда ҳамда Европанинг кўплаб кўргазмаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар[14].*

1995 йилда Тошкентда ЮНЕСКОнинг лойиҳаси асосида ташкил этилган халқ ҳунармандлари ярмаркаси ва 2000 йил Ганновер шаҳрида Бутунжаҳон кўргазмалари миллий ҳунармандчиликнинг халқаро миқёсда танилишида муҳим аҳамият касб этди[16].

Умуман олганда, мустақиллик йилларида ҳунармандчиликка бўлган эътибор ҳам амалий ҳам илмий жиҳатдан тараққий эттирилди. Тўғри бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Шунга қарамай, ҳозирги кунда ҳунармандчилик – меҳнат маҳсули ёки хизмат турларини кичик ҳажмда ёки алоҳида буюртмалар, қўл меҳнати ҳамда билим, кўникма ва маҳоратдан ижодий фойдаланган ҳолда ҳунарманд-устанинг шахсан иштироки ва хусусий воситалари асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик ҳолатига айланди.

Хулоса қилсак, бугун Ўзбекистонда халқ ҳунармандчилигининг ўзига хос белги ва жиҳатлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-ҳунармандчилик бозорини табиий ресурслар, меҳнат ва капитал бозорларини тўлдирувчи ишлаб чиқарувчи омили сифатида шакллантириш ҳамда ривожлантириш ҳунармандчилик ресурсларини ижтимоий-иқтисодий ри-

вожланишнинг реал ресурсларига айлантиради, аҳолининг ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда хизматларига бўлган эҳтиёжлари қондирилади;

-оммавий ишлаб чиқариш тизимида ҳунармандчилик инфратузилмасининг роли ортиб боради;

- ҳунармандчилик субъектлари мамлакат, худуд ва халқларнинг иқтисодий интеграция жараёнларида тенгма-тенг иштирок этади;

- ҳунармандчилик ишлаб чиқариш имкониятларини халқаро миллий ҳамда маҳаллий кўламда кенгайтириш ҳисобига таълим, маданий ривожланиш даражаси ва ўз навбатида, малака, маҳорат ҳамда ижодий салоҳият оширилади.

Йилдан йилга миллий хунармандчилик ривожи асосида чет эл корхоналари билан иқтисодий алоқалар тобора чуқурлашиб бориши миллий қадриятларни тарғибот этиш ва иқтисодий ютуқларимизни намойиш этишда алоҳида ўрин тутади. Масалан, 2017 йилнинг 4-9-декабрь кунлари Жанубий Кореянинг Чежу шаҳрида ўтказилган навбатдаги миллий матолар кўргазмаси анжуманида дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларидан ҳунарманд-усталар ўзларининг миллий матоларини намойиш этган бўлса, 2019 йилнинг сентябрь ойида ЮНЕСКО шафелигидаги "Атлас байрами" фестивалида Буюк Британия, Германия, Эстония, Руминия, Корея Республикаси, Латвия ва Бангладешдан ташриф буюрган меҳмонларнинг эътиборини тортган мўъжизалар – республиканинг турли ҳудудларидан келган ҳунармандларнинг ижод намуналари чинакам маънода ўзбек халқининг нафақат асрий анъана ва қадриятларини балки, олийжаноб фазилатларини ҳам намоён этди[17]. Қолаверса, Ўзбекистоннинг маданий меросини янада кенгроқ тарғиб этиш ва асраб-авайлаш мақсадида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан "Тараққиёт стратегияси" маркази, Фанлар академияси, Бадиий академия, ЮНЕСКО ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилиб, "Сифат белгиси" номи остида ўтказилган атлас ва адрас матолардан тикилган модалар намойиши кўҳна ва замонавий андозаларни ўзида мужассам этганлиги барчани ҳайратга солди.

2018 йил 6 — 8-июнь кунлари Ўзбекистон Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва мамлакатлар ўртасида мулоқотга йўл» мавзусида жаҳоннинг 30 дан зиёд давлати, 200 дан ортиқ олимлар, экспертлар, дипломатлар, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган II халқаро конгресс эса, миллий ҳунармандчиликни дунёга тарғиб қилишдаги яна бир қадамлардан саналади[17]. Конгресс ишининг давомийлиги эса анъанавий ҳунар турларини ривожлантиришда, хориждаги ҳунар турлари буюмлари ҳақида яқиндан танишишга ҳам кўмаклашади.

Республика Президенти Фармон ва Қарорлари билан ҳунармандларга имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида "Ҳунарманд" уюшмасига аъзолар сони бугунги кунда 59,7 минг нафарга етди ёки Фармонгача бўлган даврга нисбатан 4 баробарга ошди. Шундан 26,5 минг нафари жорий йилда шаклланди. Шу билан бирга, "уста-шогирд" анъаналари ривожланиб, Республикада шогирдлар сони 55,7 мингтага етди, шундан 51,6 мингтаси жорий йилда (2020 йил) шаклланди. Республикада яратилган иш ўринлари сони 167,0 мингтага етди, шундан 78,2 мингтаси жорий (2020)йилда яратилди[21].

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги муаммо ва тўсиқлар

Анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш борасида эришилаётган ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, камчиликларни ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Анъаналарни тиклашда кўпинча *тижорат йўлидан фойдаланиш*, шунингдек, *халқаро лойиҳаларда маҳаллий ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини эътибордан четда қолдириш* ҳолатлари кузатилмоқда. Бунга сабаб хорижликларнинг буюртмаси асосида ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ундан даромад топиш бўлса, бошқа томондан ҳудудларнинг ўзига хос анъаналарининг йўқолиб кетишига ҳам олиб келмоқда. Бунинг оқибатида эса уй шароитида ишлаб чиқарилаётган ҳунармандчилик маҳсулотлари фақатгина олиб сотарлар қўлига тушиши, буюмларнинг шаклан ўзгариши, анъанавий нақш ва белгиларнинг бузилиши ёки унутилиши, айрим ҳудудларга хос бўлган локалликдан чекинишларнинг кузатилиши ўз-ўзидан миллий ҳунармандчиликка салбий муносабатларни ҳам шакллантирмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, маҳаллий мактабларнинг ўзига хослиги, санъат "софлигини"сақлаб қолиш бугун жуда долзарбдир. Қолаверса, сўнгги йилларда республикада *ҳунармандлар фаолиятидан етарлича фойдаланилмаётганлиги* ҳам сабабдир. Яъни, анъана ва янгилик муаммоси. Аввало бозор учун ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг асл ҳолати ва кейин янгиликлар нисбати кескин фарқланишига йўл қўйилмаслиги керак. Чунки халқ амалий санъати ўзида янгиликни, ижодкорнинг ўзига хос услубини эмас балки, тарихийлик, миллийлик ва муайян жамоага хос хусусиятларни акс эттиради. Қолаверса, унинг самараси ҳам дастлаб халқ истеъмоли талабини қондиришга қаратилади. Чунки ҳунармандчилик маҳсулоти ким томонидан, қандай сифат ва кўринишда тайёрланишидан қатъи назар асосий мақсад уни бозорга сотишдир. Айни пайтдаги жараён шундан иборат. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг турмушда фойдаланилиши ҳам борган сари кўпайиши бир томондан буюмларнинг бадиий ва маданий вазифаларини келтириб чиқарса, иккинчи томондан уларнинг уй-рўзғорда фойдаланиш эҳтиёжи кучаяётганлигидан дарак бермоқда.

Муаммолардан яна бири *яхши ишланган амалий санъат буюмларининг музей коллекциялари учун қилиниши* ҳисобланади. Бу ҳам хато. Бунга сабаб фақат хорижликлар тўқимачилик(каштачилик, гиламдўзлик) ва сопол буюмларга асосий истеъмолчи бўлиб қолмоқда. Оқибатда маҳаллий ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқараётган буюмларни хориж бозорларига олиб чиқишга интилмоқдалар. Бу ўз маҳсулотини, балки Ўзбекистоннинг маданиятини ҳам тарғиб ва ташвиқ қилишдан далолатдир. Маҳаллий бозорда эса бунга деярли эътибор берилмаяпти. Бозор, аввал бўлганидек, ҳунармандчилик ривожи жараёнини кўрсатадиган энг йирик индикатордир. Бугунги кунда ҳунармандчилик маҳсулотларидан тўқимачилик (кашта, гиламлар, мато, зардўзлик буюмлари) ва кулолчилик буюмлари, шунингдек, анъанавий усулда замонавий дизайнда қўлда тайёрланган сумка, ҳамён, пардоз халта, қўлда кашталанган ёстиқ жилди, миллий матодан тикилган замонавий дизайндаги либослар, дўппилар, шойи шарфларга талаб аҳоли орасида ҳам катталигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Ҳунармандчилик ва амалий санъат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар меҳнати ниҳоятда машаққатли ва узоқ вақт меҳнат қилишни талаб

этадиган соҳа бўлгани, ишлаб чиқарган маҳсулотларни ўша пайтнинг ўзидаёқ *сотиш имкониятининг мавжуд эмаслиги*дадир. Бунга сабаб улар тайёрлаётган буюмларнинг бозордан бошқа жойларда сотиш имконияти йўқ. Бозорда сотиш учун эса алоҳида дўконлар учун ижара тўловлари қимматлик қилади. Оқибатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз харидорларини кутиб омборларда узоқ вақт туриб қолмоқда. Бунинг учун ҳунарманд яшайдиган жойдан маҳсулот сотиш учун дўконларнинг қурилиши ва ёнма-ён жойлашганлиги ҳамда ўз маҳсулотини ўзи сотиш ҳуқуқини берилиши бугунги кунда уларнинг эркин меҳнат қилиши, бир-биридан бежирим ва чиройли, юксак даражадаги санъат асарларини яратишларида, ўз ҳунари сирларини ёшларга ўргатиши ва аҳолининг кенг қатламини ҳунармандчиликка жалб этиш ва бандлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, *оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятида маълумотлар беришда* ҳам қатор *камчиликлар учрайди*. Бунга сабаб фақат таниқли ҳунармандларнигина ташвиқот қилиш усулига асосланганлигидадир. Оқибатда узоқ ҳудулардаги ҳунармандчилик турлари ва марказлари, ҳунарманд-усталар ҳақида ҳеч ким билмайди ҳам. Аксинча, кўпроқ маҳаллий ҳунармандчилик марказларига эътибор қаратиш, қадимий анъаналарни излаб топиш ва замонавийларини тарғиб қилиш керак. Санъат антропологияси ёндашувига кўра, асосан машҳур ҳунарманд усталарни ҳаёти ва фаолиятини ташвиқот қилиш ҳам лозим деб ўйлайман.

Муаммоларни бартараф этиш йўллари

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар олиб бориши натижасида миллий ҳунармандчилик соҳасини дунёга танитиш, замонавий цивилизация тизимида ўз ўрнига эга бўлиш, амалий санъат намуналари доирасида жаҳон маданиятига ўз ҳиссасини қўшишга ҳам эътибор қаратиб, бир қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, республика “Ҳунарманд” уюшмаси билан биргаликда ҳунармандчиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида турли ташкилот, уюшма, жамғарма, кўргазма ва фестиваллар ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ЮНЕСКО кўмагида Хива гиламчилик маркази; Бухоро гилам тўқиш маркази; Самарқанд қадимий қоғозини тиклаш маркази, Шаҳрисабз сўзана тикиш маркази, Тошкент миллий мусиқа асбоблари маркази, Тошкент кулолчилик устахонаси, Шаҳрисабз кулолчилик устахонаси, Бойсун кулолчилик устахонаси, Бойсун ҳунармандчилик маркази, Марғилон тўқимачилик маркази, Тошкент тўқимачилик маркази, Хива тўқимачилик марказлари ташкил этилиши бу борадаги ишларнинг салмоғидан дарак беради.

Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида ҳунармандчилик марказларини қайта тиклаш учун қулай муҳит ва шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, ҳунармандларга ўз маҳсулотларини намойиш этиш ва сотиш учун миллий ҳунармандчилик ҳамда халқ амалий санъати маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, янги бозорларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи «савдо уйлари» ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари дўконларини ташкил этиш белгилан-

ган. Масалан, «Ҳунарманд» уюшмаси қошида ташкил этилган «Craft and Art» маъсулияти чекланган жамияти томонидан Афғонистон Ислом Республикаси Мозори Шариф (Балх) вилоятида ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо уйини очиш бўйича Афғонистон Ислом Республикасининг сармоядор тадбиркори Қалин Бофи Мохаммад Сафо Бегзода билан ҳамкорлик ўрнатилган[21].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган "Ўзбекистон ёшлари форуми"да ёшларда ижобий мотивация, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва малакаларни шакллантириш, шу орқали уларни тадбиркорликка жалб этиш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича "Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор" ташаббуси қўллаб-қувватланганлиги, "Ёшлар: 1+1" дастури доирасида ҳудудларда ёшларни тадбиркорлик кўникмалари ва касб-ҳунарга ўқитиш буйича ўқув-семинариларини ташкил этиш кўзда тутилган. Шу ўринда ҳунар турларини асраб-авайлаш ва ёшларга ҳунар ўргатиш, халқ усталарининг меҳнатини рағбатлантириш, «Уста-шогирд» мактабларини ривожлантириш, ҳунармандларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари экспортини амалга оширишда мавжуд бўлган тўсиқларни бартараф этиш, уларга божхона ва солиқ имтиёзлари беришда муҳим қадам бўлди.

Ҳунармандчилик ва амалий санъат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни ўша пайтнинг ўзидаёқ сотиш имконияти таъминланмоқда.

«Ўзбектуризм» давлат қўмитаси томонидан эко ва этнотуризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар таклиф этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда ҳунармандчилик салоҳиятидан фойдаланиш, ҳунармандчиликда хизматлар бозорини шакллантириш ва маркетингни кенг қўллаш имкониятлари жорий этилмоқда.

Хулоса

Ўз ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда республикада ҳукумат томонидан анъанавий ҳунармандчиликни ривожланишини янги босқичларда кўтариш мақсадида дастлаб ҳунарманд усталар фаолиятига эътибор қаратилди. Мамлакатда олиб борилаётган ҳунармандчиликка оид давлат сиёсати негизида қатор ишлаб чиқилган ички имкониятларни ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маданий меросни тиклаш каби чора-тадбирлар асосида олиб борилмоқда. Ўзига хос тарзда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш учун маълум режалаштирилган тамойиллар ва моделлар асосида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ички имкониятларни ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маданий меросни тиклаш, умуман ички ва халқаро миқёсдаги алоқалар фаолияти йўлга қўйилди.

Жумладан, Ўзбекистонда совет даврида қолоқ деб эътироф этилган вилоятлар иқтисодиётида жаҳон андозаларига тўғри келадиган маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Янги ишчи ўринлари яратилди, миллий ҳунармандчилик намуналарининг хорижий давлатларда кенг кўламда намойиш этилиши учун

кенг йўл очилди. Ҳунармандчилик нафақат миллий анъана ва қадрият, балки даромад келтирувчи соҳа сифатида халқ хўжалигида ўзининг ўрнига эга бўла бошлади. Қолаверса, бозор иқтисодиёти шароитида ҳунармандчиликдаги трансформациялар касаначилик, бозор ва ҳунармандчилик туризми, кичик бизнес ва тадбиркорлик кўринишларида намоён бўлди ҳамда анъанавий, бадиий ва замонавий ишлаб чиқариш йўналишлари қайта шаклланди. Ўзбекистон иқтисодиётида туризм инфрастуктурасини ривожлантириш ва бозор иқтисодиёти шароитида миллий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш бозори шаклланди.

Дарҳақиқат бу борада ривожланиш билан бирга маълум тўсиқ ва муаммолар ҳам йўқ эмас эди. Шунга қарамай, бу муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилиб, керакли ўринларда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, ҳунармандчилик маҳсулотлари совғабоп буюмлар бозори негизини, яъни ҳунармандчилик тижорати асосини ташкил қилади. Бироқ, бу йўлда ўзига хос муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, йўқолиб бораётган ва йўқолиб кетган ҳунар турларни қайта тиклаш, анъанавий ҳунармандчилик марказларини ривожлантириш, анъанавий ва янгилик яратиш борасидаги тафовутлар, замонавий ҳунар турларини шакллантириш, ҳунармандчилик буюмлари шакли ва безаклари борасида ҳамон оқсоқликлар сезилади. Таъкидлаш жоизки, чуқур тарихий илдизга эга бўлган миллий ҳунармандчилик мавзусини ўрганиш ўзига хос илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Шунингдек, мустақиллик йилларида анъанавий ҳунармандчиликка доир ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳамда замонавий ҳунар турларининг кўринишларини қиёсий ўрганиш; ҳунармандчиликда рамзлар семантикасини кўрсатиш; халқ ҳунармандчилиги анъаналари ва уста-шогирд муносабатларини кўрсатиб бериш ҳамда анъанавий ҳунармандчилиги билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш; илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистон ҳунармандчилигининг замонавий кўринишларини ривожлантиришга хизмат қилувчи амалий, назарий таклиф ва тавсиялар баён қилишни тақазо этади.

Халқ анъанавий ҳунармандчилигини истиқболли ривожлантириш мақсадида тадқиқот сўнгида қуйидаги мулоҳазалар ва амалий тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Халқ ҳунармандчилиги ўзбек этномаданиятида ўзига хос ўринга эга бўлиб, ундаги тарихий-маданий анъаналар ва миллий мактаблар тажрибасига таяниб, халқ амалий санъатини оммалаштиришга эътибор қаратиш лозим;

халқаро ижтимоий-маданий алоқалар орқали ҳунармандчилик марказлари ўртасида тажриба ва ахборотлар алмашишни қўллаб-қувватловчи ҳунармандларни этномаданий бойликлар яратиш субъектига айлантириш лозим;

бугунги кунда ўзбек халқининг анъаналарини ўзида сақлаб келаётган қадимий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш ва уларни моддий маданиятнинг нодир намуналари сифатида қадрлашга оид муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни биргаликда бартараф этиш зарур;

республика «Ҳунарманд» уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ишлайдиган, маҳаллий мактабларнинг ўзига хослиги, санъат «софлигини» («экологичная», табиий-экологик жиҳатини ошириш) сақлаб қолиш долзарблигига оид анъанавий ҳунармандчилик тарихи юзасидан Ил-

мий марказ ва «уста-шогирд» мактабларини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // http://strategy.regulation.gov.uz

2. Jeremy Coote. Anthropology of art **https://www.discoveranthropology.org.uk/about-anthropology/specialist-areas/ anthropology-of-art.html.**

3. Мечников Л.И. Цивилизация и великие исторические реки. – М.: Паигея, 1995. – 464 с.; Шарль Луи Монтескье. О духе законов. – М.: Мысль, 1999. – 672 с.; Боден Жан. Метод легкого познания истории. – М.: Наука, 2000. – 412 с.; Горина Е. Н. Проблемы географического детерминизма в трудах Л. И. Мечникова // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия Социология. Политология. – Т. 8. Вып. 2. – 2010. – С. 37-38.

4. Модернизация назариясининг шаклланишида У. Ростоунинг “Иқтисодий ўсиш босқичлари” асари ва Т.Парсонс, Э.Шилза каби олимларнинг изланишлари назарий асос бўлиб хизмат қилган. Модернизация назарияси жаҳон ижтимоий тараққиёти билан бирга доимий эволюцион ривожланишдаги таълимот ҳисобланади. Политическая мысль новейшего времени/ Михайлова Е.М. – Чебоксары, 2010. – С. 28.

5. хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи https://www.zmo.de; https://iea-ras.ru; https: //www.global.hokudai.ac.jp; https:; https: //www.red-redial.net/fr/center-de-recherche–1103.html; https: contacts.Ucalgary.ca; https://maes.Museum/powerhouse – museum; https://rugsociety.org.au; https:// www.Tripadvisor.ru/M.297; https://www.postgraduatefunding.com.Funding Search; https://www.Journals.uchicago.edu//pb – assets/doc.s/ ва бошқа манбалар

6. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президумининг 1991 йил 22 июлдаги “Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий мобелига ўтказиш” тўғрисидаги қарори // Халқ сўзи. 1991 йил 24 июль; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи. 1991 йил 20 ноябрь.

7. Совет Ўзбекистони. 1990 йил 26 июнь.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент.: 1991 йил 30 октябр. №10. Б. 6.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент.: 1991 йил 30 октябр. №12. Б. 1819.

10. Ақилова К. 2004. Тошкент. Марғилоннинг замонавий газламалари// San’at.-. №2. –Б.36.

11. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 21 январдаги 745-сонли “Иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи. 1994 йил январь.

12. Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 2013 йил. 7йиғма жилд. 4чорак ҳисоботлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Тошкент.: 1997 йил март. №3.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 март "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони // Маърифат газетаси. 1997 йил 2 апрель.

15. Халқ сўзи. 1995 йил. 29 ноябрь.

16. Халқ сўзи. 2005 йил июнь.

17. "Ҳунарманд" уюшмаси йиллик ҳисоботидан. 2016 йил

18. Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси жорий архиви. 2018-2020 йиллар.

19. Ўзбекистон санъати. – Тошкент: Шарқ, 2001. Б. 222.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // http://strategy.regulation.gov.uz

21. Республика "Ҳунарманд" уюшмаси расмий саҳифаси 2020 йил

22. 2006 йил 14 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида барпо этилган Маданият ва санъат кўргазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 245-сонли Қарори.

24. Дала ёзувлари. 2016 йил. Шаҳрисабзлик кулоллар мактабининг олтинчи авлод вакили кулол Рустам Музаффаров билан суҳбат.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ТАРИХИ, ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР
(Ғарб мамлакатлари ва Ўзбекистон тажрибаси мисолида)

Усарова Ф.Х.
сиёсий фанлар номзоди, катта илмий ходим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда бўлим мудири
Алламуродов Б.Х.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда стажёр-тадқиқотчи.

Аннотация. В статье описываются ключевые моменты из истории института общественного контроля, современные зарубежные концепции и подходы к осуществлению общественного контроля; анализируются особенности его формирования, проблемы и достижения в этом вопросе в Республике Узбекистан. С этой целью в качестве основного в данной работе выступают историко-хронологический метод, сравнительный и проблемный подходы. Впервые предпринята попытка комплексного изучения и сравнения опыта зарубежных стран в вопросах общественного контроля при сопоставлении с опытом и особенностями его формирования на территории Республики Узбекистан. Результаты исследования показали общность универсальных ценностей и подходов по данному вопросу, различия в подходах к осуществлению контроля в зарубежных странах и Узбекистане. В заключении делается вывод о необходимости дальнейшего повышения уровня политической культуры населения, более глубокого изучения зарубежного и отечественного опыта в этой сфере.
Ключевые слова: *общество, контроль, народ, цель, ответственность, участие, опыт.*

Annotation. *The article analyzes the key points of the history of public control institutions, modern foreign concepts and approaches to the implementation of public control; analyzes the features of its formation, problems, and achievements in this regard within the framework of Uzbekistan. For this purpose, the article used the historical-chronological method, comparative approaches. For the first time, an effort has been made to comprehensively study and compare the experience of foreign countries on issues of public control in comparison with the experience and originality of its formation on the territory of the Republic of Uzbekistan. The results of the study showed the commonality of universal values and approaches on this issue, differences of approaches in performing public control abroad and in Uzbekistan. It is necessary, concludes the author, to further increase the level of political culture of the population, and study deeper domestic and foreign experience in this field.*
Key words: *Society, public control, people, purpose, responsibility, participation, experience*

КИРИШ

Бугунги замонавий босқичда кўплаб мамлакатларда беқарорлик, геосиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва миллий-этник муаммоларнинг кучайиши даврида давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро самарали алоқаларни ўрнатиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Ушбу жараёнда жамият ресурслари ва давлат тузилмаларини тинчлик-тотувлик, барқарорлик ва ривожланиш йўлида бирлаштиришга имкон берувчи жамоатчилик назорати институтининг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистонда бу жараён демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишни назарда тутган 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар Стратегиясини амалга ошириш вазифаларига мос келади. Шунга кўра, мамлакат ўз тараққиётининг энг муҳим устувор йўналишидан бири - кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришни эълон қилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев, "Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда" [Ўз. Рес. Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011]- дея таъкидлайди.

Бугунги кунда жамият ҳаётидаги энг долзарб, аҳолини ташвишга солаётган муаммолардан масалан, давлатда кенг тарқалган коррупциянинг чуқур томир ортиб кетганлиги, ишсизликни олдини олиш, айниқса, пандемия шароитида кам таъминланган ва ногиронларга ижтимоий-иқтисодий ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилмагани, ёлғиз аёлларга моддий ёрдамнинг тизимлашмагани, қишлоқларни ободанлаштириш дастурларида, йўл қурилиш лойиҳаларида сифатсиз, юзаки иш давом этаётгани, давлат хизматлари, фуқаролик суди, банк хизматларидаги муаммолар ва ҳоказоларни ҳал этиш учун жамоатчилик назорати ўта муҳимдир. Бунинг учун эса, яъни фуқароларнинг юридик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрини шакллантириш учун ҳам жамоатчилик назоратининг амалий услубларини такомиллаштириш ҳамда механизмлари учун шароит яратиш давр талабидир.

Шуни инобатга олиб, жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг моҳияти, мазмуни ва шакллари, услубларини ҳамда у қандай ҳолатларда намоён бўлиши тўғрисидаги назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этиш бугунги кунда олимлар олдида турган долзарб масалалардан бири эканлигини эътироф этиш жоиз. Таъкидлаш керакки, ушбу масалалар мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан тадқиқот объекти сифатида муайян даражада ўрганилиб келинмоқда. Аммо Ўзбекистонда бу масалага бағишланган илмий тадқиқотлар бошланғич нуқтада турибди, деса муболаға бўлмайди. Чет эл тажрибасини ўрганувчи ва умумлаштирувчи, бу соҳада Ўзбекистоннинг муаммо, ютуқ ва истиқболлари таҳлилига бағишланган асарлар деярли йўқ даражада. Ушбу мақолада шу соҳадаги рамзий маънода "бўшлиқ"ни таҳлил қилиш ва тавсиялар бериш ёрдамида бироз тўлдиришга ҳаракат қилинди.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда, ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳамда хориж давлатлари мисолида жамоатчилик назорати институтининг тарихи, шаклланиш жараёнлари, ўзига хос ишлаш механизмлари, услублари, жамоатчилик назорати маданияти ва бу борада замонавий қарашларни таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Илмий мақоланинг янгилиги шундаки, унда биринчилардан бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳамда хориж давлатлари мисолида жамоатчилик назорати институти борасида замонавий қарашлар таҳлил қилинган, балки бу соҳада давлатлардаги умумийлик ва фарқли жиҳатларини ўрганишга ҳам эъ-

тибор қаратилган. Бунинг натижасида эса, жамоатчилик назоратининг ўзига хос ишлаш механизмлари, услублари, жамоатчилик назорати маданияти, бу борадаги тажриба базаси ҳам ўрганилиб, уларни мослаб олиш борасида тавсиялар ҳам берилган.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҲАҚИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР

Ҳозирги кунда жамоатчилик назорати институти ҳақида турли хил қарашлар, фикр ва ғоялар мавжуд. Жамоатчилик назоратига бағишланган замонавий илмий тадқиқотлар кўп қиррали ва кенг қамровли хусусиятга эга бўлиб, Ғарб давлатларида ҳамда Россияда бу мавзуга кўпроқ эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасида эса бу соҳадаги жараёнлар энди янгича ёндашилган ҳолда, илмий тадқиқотларда ўз аксини топа бошлади.

Бу борада россиялик олимлар томонидан турли йўналишдаги илмий ишлар бажарилган. Масалан, **биринчи** гуруҳ олимлар полиция фаолиятидаги жамоатчилик назоратининг зарурати, ривожланиши муаммолари ва истиқболларини ўрганишган бўлса [Еникеева, 2011] **иккинчи** гуруҳ россиялик олимлар ўз изланишларида, Россияда фуқаролик жамияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, кучли фуқаролик жамиятини қуришда нафақат фуқаролар балки давлатнинг ўзи ҳам ўзаро ҳамкорликдан, жамоатчилик назоратини такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши муҳим эканлигига эътибор қаратган [Прозрачность и участие].

Учинчи гуруҳ олимлар асосан ижтимоий муаммоларни аҳоли ўртасида анкета-сўровномалар услубидаги статистик маълумотларга асосланиб таҳлил қилганлиги билан ажралиб туради [Зарубежный опыт, 2020]. **Тўртинчи** гуруҳ олимлар кўпроқ АҚШда жамоатчилик назорати тажрибасини тадқиқ қилишган. Тадқиқотчилар АҚШда жамоатчилик назорати фаолияти учун жуда кенг имкониятлар ва воситалар мавжудлигига эътибор қаратиб, бу биринчи навбатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидаги шаффовлик тамойилларига, фуқароларнинг фаол иштироки ҳамда бирга ҳамкорликдаги харакатларига асосланишини таъкидланган. Авторлар асосий эътиборни АҚШдаги махсус услубларга, яъни бу ҳар қандай ҳокимият устидан жамоатчилик назорати жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўрнатилганига қаратишган. [Макаров, 2014]. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини хориж тажрибаси мисолида, яъни Россия ва АҚШ тажрибасини қиёсий таҳлил қилиб ўрганилган ишлар ҳам мавжуд [Жўраев, 2019].

Бугунги кунда хориж тадқиқотларида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мамлакатни сиёсий ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида таъсир қилувчи куч сифатида талқин этилмоқда. Айниқса, ушбу ташкилотларнинг давлат таълимини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа шунга ўхшаш ижтимоий-иқтисодий соҳаларида қабул қилинаётган қарорларда жамоатчилик фикрини билдириш ва назорат қилиш каби функцияларни бажармоқда. Жумладан, Серра Леонда - “Леонликлар учун таълим”(EFA-SL) фуқаролик ташкилоти ва давлат ўртасида ўзаро келишув имзонланган бўлиб, унда ҳукумат

томонидан ажратилган маблағларни тўғри йўналтирилиши устидан назорат қилади. Ҳар йили давлат томонидан буджетдан 20% маблағ таълим соҳасига йўналтирилади. Бу фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш керакки, шарқона давлатлардаги жамоатчилик назоратининг баъзи бир элементлари ғарбона жамоатчилик назоратига ўхшасада, умуман олганда фарқли жиҳатлари устунлик қилади.

Маҳаллий олимларимиз томонидан ушбу мавзу доирасида ҳам бир қатор илмий ишлар бажарилган. Масалан, жамоатчилик назорати тушунчасининг мазмун-моҳияти, жамоатчилик назорати ҳақидаги айрим қарашлар, бу борада баъзи хориж давлатларининг тажрибаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилинган илмий тадқиқот ишлар [Каримов, 2010] билан бирга, фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалаларига, Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчилик: шаклланиши ва ривожланиши, фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойилини татбиқ этишнинг айрим масалалари ҳамда фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини таъминлаш воситалари ва уларни такомиллаштириш масалаларидан ўрин олган монографиялар ҳам мавжуд [Маҳалла фаолияти янада такомиллашади].

Юқорида келтирилган олимларнинг изланишларидан келиб чиқиб бир қатор хулосаларга келиш мумкин. **Биринчидан,** жамоатчилик назорати ички ишлар, суд органлари фаолиятини очиқ, шаффоф олиб боришда ҳамда коррупцияга қарши курашишда асосий самарали назорат тури экан. **Иккинчидан,** фуқароларнинг ички ишлар органлари билан ўзаро ишончли ва ижобий муносабатларда бўлиши муҳим мезонлардан бири бўлиб, бу ўз навбатида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади. **Учинчидан,** таълим соҳалари, соғлиқни сақлаш тизими, давлат бюджети каби йўналишларда ҳам жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий негизини яратиш орқали давлат ва жамият ривожланишининг ижобий натижаларига эришиш мумкин. **Тўртинчидан,** юқоридаги натижаларга эришиш учун эса фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг замонавий ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишни талаб этилади.

ЖАМОТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТАРИХИДАН

Жамоатчилик назорати институтининг моҳиятини кенгроқ англаш мақсадида айрим Ғарб давлатларида жамоатчилик назорати шаклланиш тарихига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ деб билдик. АҚШда жамоатчилик назорати ғояси узоқ тарихга эга. АҚШнинг 4-Президенти Жеймс Медисон «Federalist» газетасида бу борада: «Республикачиларнинг озодлик руҳияти, шубҳасиз, нафақат бутун ҳокимият халқдан чиқиши, балким халқ ишонч билдирган ҳокимиятлар ҳам халқга боғлиқ бўлиб қолиши керак...", [Quotes from the Gettysburg] деган бўлса, АҚШнинг 16-Президенти Авраам Линкольн эса 1863 йилда ўзининг машҳур Геттинсберг мурожаатномасини қўйидаги сўзлар билан

якунлайди: “Халқ ҳокимияти бу халқ томонидан халқ учун яратилган халқ ҳокимиятидир” [Quotes from the Gettysburg]. Бугунги кунга қадар бу ғоялар, яъни ҳокимият органларининг халқ олдида ҳисобот қилиши АҚШда сиёсий анъана сифатида қабул қилинган ҳамда бу борада ўзига хос бой тажриба орттирган.

АҚШда жамоатчилик назорати икки йўл билан амалга оширилади. Биринчи йўл бу фуқароларнинг хохиш-истакларини тўғридан-тўғри ифодалаш бўлса, иккинчиси халқ томонидан сайланган вакиллар амалга оширади. Эътиборли жиҳати шундаки, иккала назорат усулининг бир-биридан устуворлиги хақида гапириш ўринсиз, улар биргаликда бир мақсадга хизмат қилади. Масалан, тўғридан-тўғри жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳокимият фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари, журналистик текширувлар, маҳаллий давлат органлари, фуқаролар йиғилишлари, жамоат тингловлари орқали жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштироки, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи ва ҳукмрон элитага таъсир кўрсатувчи илмий тадқиқотлар, публицистик ва бадиий асарлар яратилиши, қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизаси ва ҳоказо усуллар ёрдамида амалга оширилса, иккинчи вакиллик усулида парламент назорати, ҳуқуқий қонун чиқарувчи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг назорати орқали амалга оширилади. Бу усуллар кенг маънода ҳукумат устидан жамоатчилик назорати бўлиб, икки усул ҳамоҳангликда асрлар оша ўзини оқлаб келмоқда.

XIX-асрнинг охири ва XX-асрнинг бошларидан Буюк Британияда нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг фаолиятига асос солина бошланди. Бунга асосан жаҳон урушидан азият чеккан инсонларни қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам бериш тамойиллари нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ривожланишига туртки бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ кўпгина нодавлат ташкилотлар уруш пайтида амалга оширилган ёрдам ташаббуслари маҳсули натижасида фаолият юрита бошланди. Жумладан, опа-сингил Дороти Бухтон ва Эглантине Жеб томонидан 1919 йилда асос солинган “Болаларни асраш” ташкилоти, Оксфам томонидан 1942 йилда ташкил этилган “Оксфорд қўмитаси”дир. Мазкур ташкилот уруш даврида қочқинлар билан ишлаш ва очликдан қутилиш каби ҳайрия ишлари билан шуғулланган. 1945-йилдан фаолияти Европа минтақасида ҳам таъсирига эга бўлган “Насронийларни қўллаб-қувватлаш” ташкилотлари шулар жумласидандир [Афанасьев, 2016].

1957 йилга келиб, ғарбий Европа давлатлари томонидан имзоланган Рим шартномаси жамоат ташкилотларига ва фуқаролик жамияти ташкилотларига кенг имкониятлар яратиб берди ҳамда ташкил этилган “Европа иқтисодий ва ижтимоий комитети”да қабул қилинаётган барча ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги қарорларда фуқаролик институтлари ва ташкилотларга катта имкониятлар берилди. Булар қуйидагилар: комиссия, кенгаш ёки парламент томонидан кўтариладиган қарорларга жавобан фикрлар; Европа иқтисодий ва ижтимоий комитетига тегишли деб ҳисоблаган ҳар қандай масалада қатнашиш, ташаббус ва фикрлар билан чиқиш; Комитетнинг илтимосига биноан акс эттирилган мавзу бўйича таклифлар билдириш [Василенко, 2000].

Бугунги кунга келиб, Европа Иттифоқи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сиёсат ва қарорлар қабул қилишда иштирок этишига нафақат зарурат, балки демократик тизимнинг талаби сифатида қараб, демократик тамойил-

ларни ошириш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий фикрини билиш мақсадида сиёсий жараёнларда фуқаролар, Европа Иттифоқи институтлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг фикрларини ижобий қабул қилишади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар Европа Иттифоқи институтларидаги ўзгаришларни кузатиб боради ва уларга таъсири динамикасини таҳлил қилиб боради. Бу орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар кўпинча ўз мамлакатларида йўналтирувчи тизим сифатида фаолият юритади ва бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга сиёсий қарорни ишлаб чиқишда ўз таъсирини кўрсатади [Mazower, 2009].

Демак, фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, жамоатчилик назорати институти ғояси ўзоқ тарихий жараёнлар асосида шаклланиб келган экан. Шу сабабли жамоатчилик назоратини шакллантиришда турли хил услуб ва воситалар мавжуд. Уларни ишлатиш механизмалари хам ранг баранг. Булар асосан ҳар бир давлатнинг шаклланиш тарихига ҳамда менталитети ҳам боғлиқ экан.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЧЕТ ЭЛ ЮТУҚЛАРИДАН

Ҳар бир мамлакатда жамоатчилик назоратининг амалиётга оширилишида ўзига хослик ва ўз хусусиятлари ётади. Жамоатчилик назоратини шакллантириш жараёнида ҳар бир мамлакат ўзига хос, ноёб натижаларга эришган. Ушбу парагрфда улардан айримларини кўриб чиқамиз.

Жумладан, дунёда биринчилардан бўлиб Швецияда давлат органларининг фуқаролар учун тўлиқ ва очиқ ахборот билан таьминлаш тамойиллари тасдиқлана бошлаган [Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, 2013]. Швецияда 1766 йил “Нашрлар эркинлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унда расмий хужжат билан сўров юборган ҳар бир кишига зудлик билан ва бепул жавоб берилиши талаб қилинади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу қонуннинг моҳияти бугунги кунга қадар амалда бўлиб, ўз кучини йўқотмаган.

1919 йилда бу тажрибани Финляндия ҳам қабул қилди. Финляндиянинг ҳукмрон синфи ўз конституциясида ахборот эркинлиги қоидасини киритди ва 1951 йилда Финляндия парламенти “Расмий ҳужжатларнинг очиқлиги тўғрисида” қонунини тасдиқлади. Қонунга кўра, маълумот сўраган ҳар бир фуқарога хаттоки ўзларининг сўровлари сабабларини тушунтиришмаса ҳам 14 кун давомида жавоб берилиши шарт ҳисобланади. Кўпчилик ҳолларда ҳокимият фуқаролар олдида иш фаолияти ҳақида ўз хохишлари билан ҳисобот беришади. Бугунги кунда эса 90% дан кўпроқ ташкилотлар ўз хизматларини Интернет орқали етказиб туришади. Бу эса аҳолига нафақат хизмат кўрсатишда янада кенгроқ қулайликлар берди, балким аҳолининг назорат қилишида ҳам қулайликлар яратди.

Бу борада Буюк Британия тажрибаси ҳам ўзига хос маданиятга эгадир. 2000 йилда “Ахборот эркинлиги тўғрисида” қонун қабул қилиниб, унга кўра ҳар бир фуқаро давлат органларига таалуқли бўлган хамма маълумот ва ҳужжатларни кўриш имкониятига тўлиқ эга бўлишди. Буюк Британияда фуқаролар томонидан берилган саволларга 20 кун давомида жавоб келиши шарт ҳисобланади. Лекин британияликларга хос бўлган эҳтиёткорлик сабабли хавфсизлик хизмати ва махфий хужжатлар бундан истисно ҳисобланади.

Бу йўналишда АҚШда ҳам кенг маънода жамоатчилик назорати маданияти шаклланган. 1966 йилда қабул қилинган "Ахборот эркинлиги тўғрисида" ги қонун ҳамма давлат ташкилотлари ўз функциялари, тузилмалари, қабул қилинган қарорлар ва бажарилаётган ишларига тааллуқли деярли ҳамма ҳужжатлар нашр қилиниши шарт ҳисобланади.

Буюк Британиядан фарқли ўлароқ АҚШ ошкора қилиш маън қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига маълум бир ташкилотнинг ички қоидаларини, давлат иши тўғрисидаги ёзувларни, махфий маълумотларни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳисоботларини, молия институтлари ва нефть қудуқлари ҳақидаги маълумотларни ҳам киритишган. АҚШда яна бир жамоатчилик назорати маданияти сифатида "Электрон ўқиш заллари" ташкил қилинган. "Электрон ўқиш заллари" да талаб қилинган ҳар бир маълумотни тўлиқ кўриш имконияти яратилган. Бу эса ўз навбатида фуқароларга маълумотларга эга бўлиш ва жамоатчилик назоратида фаол қатнашишга ёрдам беради.

АҚШдаги яна коллабораций номли услубига тўхталмоқчимиз. Бу услуб фуқароларнинг турли хил фикр ва ғояларини тўплашга эмас, балки фуқароларга маълум бир муаммоларни аниқ етказиб, уни шу соҳанинг етук мутахассисларини таклиф қилган ҳолда ечимини ҳал қилиш ҳисобланади. Бу услуб нафақат юқори даражали натижаларга эришишга, балки бутун жамиятни бир мақсад йўлида бирлаштиришга ҳам хизмат қилади. Одамлар ҳукумат ҳал қила олмаган баъзи муаммолар ечимида уларнинг ҳам ҳиссаси ва ўрни борлигига ишонч ҳосил қилишади [Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда жамоатчилик назоратини шаклланиш жараёни хилма хил. Жамоатчилик назорати институтининг турли мамлакатларда турли усул ва воситаларига эга эканлиги билан изоҳланади. Алоҳида эътироф этиш керакки, бу борада ҳар бир давлат ўзига хос ва мос бўлган тажрибасига ҳам эгадир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҒОЯЛАРИНИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Юртимизда жамоатчилик назорати институти узоқ тарихий илдизларга эга ва шарқона мамлакатларнинг маданий тамойиллари ва хусусиятларига асосланган. Миллий қадриятлимизга хос бўлган коллективизм каби миллий хусусиятларимиз асрлар оша оқсоқоллар Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Тарихдан бу институт уруш ва тинчлик масалалари, низоларни шарқона оғир-босиқлик билан ҳал қилиш мақсадида ташкил топган. Кейинчалик Кенгашлар маҳаллаларда ҳашар, ободонлаштириш ва кўкаламлаштириш, ёрдамга муҳтожларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш, ўзини ва ўзгаларга эътиборли бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд бўлмаслик ва бошқа жамоат ишлари билан ҳам шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган. Бу борада буюк аллома Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида ҳам ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаган [Ўзбекистоннинг 20 миллиондан ортиқ, 2018]. Бундай ёндашувлар бу-

гунги янгиланаётган Ўзбекистон Республикасида мерос сифатида сақланиб келмоқда.

Ўзбекистонда жамотчилик назорати тарихи биринчи Президент Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан боғлиқдир. Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ кучли фуқаролик жамияти ва адолатли демократик давлат барпо этиш мақсадида ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ўз навбатида фуқаролик жамиятини қўришда муҳим роль ўйнади.

Фуқаролик назорати ривожланиш тарихи бевосита фуқаролик жамияти тарихи билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уларни қўйидагича даврлаш мумкин. Биринчи давр - 1991-2010 йиллар, иккинчи давр - 2011-2016 йилларн, учинчи давр -2017-2020 йилларни рамзий қамраб олган дейиш мумкин.

Биринчи даврда – “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлови тўғрисида” ги, “Ижтимоий шериклик тўғирисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 июндаги Ф-1796-сонли “Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармойиши ва бошқа кўплаб қарорлар қабул қилиниб, уларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Биринчи давр 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” билан якунланди. Концепция «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги ҳамда аҳамиятли жиҳатлари асосланганлиги билан муҳимдир [Конституция ва қонун устуворлиги, 2019].

Бу йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолият юритишининг ташкилий асослари янада такомиллаштирилди, яъни маҳалла аҳолини манзилли ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айланди, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳалланинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилган амалий қадамлар қўйилди. Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа муаммоларни ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади [Сенат Қарори, 2019]. Натижада, 2020 йил ННТларнинг ҳисоботига кўра 2 224 нафар ёлғиз, ногиронлиги мавжуд, кам таъминланган кексаларга 345,6 миллион сўмлик моддий ёрдам ва 117,1 миллион сўмлик дори-дармон харид қилинган. Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш ва унга тайёргарлик кўриш мавзусида қарийб 40 минг нафар фуқаро ўқитилган. [Маҳалла институти фаолияти, 2019]

Биринчи Президент И. Каримов жамоатчилик назоратининг аҳамияти, уни янада самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан нодавлат жамияти тузилмалари ва уюшмалари, фуқаролик жамияти институтларига боғлиқ эканлиги, бунинг учун эса ана шу тузилмаларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ҳамда фаоллигини оши-

ришга кўмаклашиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ташкилий ҳамда ҳуқуқий механизмларини тўла ишлаб чиқиш ўта долзарб масала эканлигига эътибор қаратган эди. Бу вазифаларга асосан иккинчи даврда, яъни 2011-2016 йилларда амал тоши қўйилди. Иккинчи даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 июлдаги ПҚ-1576–сонли "Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сонли "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниб, 2013 йилнинг 23 апрель куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди [Пўлатов, 2019].

Бу хужжатлар асосида биринчи даврнинг мантиқий давоми сифатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнлари тизимли мониторинг қилина бошланди; фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, шунингдек демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилди; ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилди; соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, бандликни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда ННТ иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамлаб бориш каби бир қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон, Навоий, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида 48 эндокринолог хонаси жиҳозланган, 612 нафар умумий амалиёт шифокори ва 156 нафар мутахассис ўқитилди, хавфли гуруҳга кирувчи 954 мингдан ортиқ шахс бепул скрининг текширувдан ўтказилди [Маҳалла институти фаолияти, 2019].

Янги Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев тасдиқлаган 2017-2021йилларга мўлжалланган Харакатлар Стратегиясида фуқаролик жамиятини янада кучайтириш тўғрисида бир неча вазифалар ва топшириқлар қуйилган. Булардан бири кучли ижтимоий сиёсат бўлиб, унда жамоатчилик назоратини хориж тажрибасини ўрганган ҳолда яхши йўлга қўйиш ҳисобланади. Шунга асосланиб, Ўзбекистонда ўтган давр тажрибаси ва сабоқларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган шаффофликка асосланган янги ислоҳотлар самараси туфайли жамиятимизда жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда кучаймоқда. Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4944-сонли "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги" [Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011] фармони, 2018 йилнинг 12 апрель куни "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида“ги 2019 йил 26 мартдаги 251-сон қарорларига мувофиқ ҳамда фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди. Унга кўра, Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тугатилиб, фуқаролар йиғини раисининг учта ўринбосари, иккита маслаҳатчиси ва битта мутахассис лавозимлари ҳамда фуқаролар йиғинининг иккита янги комиссияси ташкил этилганлиги белгиланди. Бунга асосий сабаб, оилавий ажримлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳалла ва оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби маҳалланинг энг муҳим вазифаларини амалга оширишда юқоридаги комиссия ва ўринбосарларнинг ўрни ва роли деярли сезилмади. Албатта, бунга қайсидир маънода уларнинг жамоатчилик асосида фаолият юритгани ҳам сабаб бўлган. Шу боис эндиликда фуқаролар йиғини раисининг 3 та ўринбосари тегишли манбалар ҳисобидан иш ҳақи олиб фаолият юритиши белгиланди. Бу эса уларнинг бевосита ўз йўналишлари бўйича ҳудуддаги зарур масалаларга сидқидилдан ёндашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш учун зарур чоралар кўришига сабаб бўлмоқда [Маҳалла институти фаолияти, 2019].

Янгиланаётган Ўзбекистонда илк қадам сифатида судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундан ташқари, бу даврда илк маротаба ҳокимларнинг йиллик ҳисоботларини тинглаш, “Маҳалла посбони” аъзолари, “Фидокор ёшлар” гуруҳлари ва “Жамоатчилик назорати масканлари” фаолиятига раҳбарлик қилувчи профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларини танлаш тажрибаси қўлланилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқ билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинмоқда. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда” [Форобий, 1993], дея таъкидлайди Президент Ш.Мирзиёев. Қўйидаги жадвалдан кўриниб турибдики (қаранг расм.1), халқ ва жамоатчиликнинг фаол иштироки ва назорати натижасида мансабдор шахсларнинг фаолияти тартибга солинмоқда.

Расм. 1. Мансабдор шахслар жиноятчилиги таҳлили

Манба: Ўзбекистон прокуратураси. Коррупцияна қарши кураш. https://www.prokuratura.uz/#/korrupsiyagaqarshi

Хулоса қиладиган бўлсак, жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабат туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилаётганини барча бирдек кўриб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БУГУНГИ КУН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР


Жамият назоратини унумли ўрнатиш жараёни Ўзбекистонда осонликча бўлмаган. Бу жараённинг мақсад ва вазифаларини бажаришда давлат бир неча муаммоларга дуч келди.

Биринчидан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширишда аҳолининг кенг қатламлари ва ҳақиқий нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокининг кам жалб этилгани ҳисобланади. Бунинг сабаби эса, нафақат жамиятдаги шахслараро ишончнинг сустлиги, балким муассасаларнинг ҳам ўзига бўлган жамоатчилик ишончининг пастлиги бўлса керак.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи жамоатчилик назорати идоралари хамма соҳани қамраб олмаган. Масалан, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида ҳалигача етарли даражада жорий этилмаган. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам жамоатчилик назоратидан йироқда. Бу эса ўз навбатида шу соҳаларда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Бу муаммоларнинг натижасида коррупцияга қарши кураш, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарларининг қонун ҳужжатларига зид равишда таълим, тиббиёт вакилларини мажбурий ишларга жалб этиш каби аҳолини ташвишга солаётган, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётган соҳалар устидан жамоатчилик назоратининг суст фаолияти давом этмоқда. Масалан, қўйидаги жадвалдан кўриниб турибдики (қаранг расм.2), биргина 2018 йилда муҳим ижтимоий йўналишларда нотижорат ташкилотларниг фаолияти жуда паст даражада.



Расм. 2. 2018 йилда фаолият кўрсатган нотижорат ташкилотлари тармоқлар кесимида

Манба: Ўз Рес. Давлат Статистика Қўмитаси. https://www.stat.uz/uploads/docs/Notijorat2017.pdfhttps://www.stat.uz/uploads/docs/Notijorat

Масалан, биргина «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган эди. Лойиҳаларни тайёрлаш давомидаги муҳокамаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорликни намоён қилдилар. Хусусан, лойиҳаларнинг «Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1 310 та таклиф ва мулоҳазалар келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.Ушбу муҳокамалар сабаб, бир қатор давлат органлари билан турли нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ўрнатилди. Бу давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларини давлат органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини амалга татбиқ этилишининг илк ёрқин намунасидир.

Қўйидаги жадвалда (қаранг Жадвал.1) биргина жиноятчилик мисолида кўриниб турибдики, фаол фуқаролик позициясига асосланиб ҳаракат қилиш ҳамда янгиланаётган Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга асосланга сўз эркинлиги, ошкоралик каби тамойилларга амал қилиш жиноятчиликнинг пасайишага олиб келиши мумкин. Шунинг учун айниқса шу соҳалардагт жамоатчилик назоратиникучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жадвал. 1. Рўйхатга олинган жиноятлар сони

	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жами рўйхатга олинган жиноятлар	90152	89360	87946	87412	73692	49011	46089
ўғрилик	12521	13234	13436	13605	12705	7850	5367
Таланчилик ва босқинчилик	2245	2088	1780	1516	1189	589	401
фирибгарлик	8212	8416	10150	10236	9645	6483	6321
Гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар	5017	4504	4361	4209	3539	3172	3347
безорилик	3125	3118	3213	2798	1736	1007	1073

Манба: Ўз Рес. Давлат Статистика Қўмитаси
https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда муаммоларнинг ечимини мазмунан бирин-кетин ҳал қилишнинг илк қадамлари бошланган. Жамоатчилик назоратининг амалда ишлаши учун мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса ҳар бир маҳаллада, ҳар бир жамоада, оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик назорати хусусида доимий тарғибот ишларини олиб бориш ижобий натижалар бериши мумкин. Яъни, бошқача қилиб айтганда, хориж тажрибасидан кўрганимиздек, фуқаролар шаффов маълумотларга эга бўлиб, қанчалик кўп билишса, унга нисбатан фаол муносабат билдира олади ва шу ҳолда жамоатчилик назоратидаги маданияти ҳам шаклланади.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, жамоатчилик назорати институтини шакллантиришда турли хил услуб ва воситалар мавжуд. Уларни ишлатиш механизмлари хам ранг баранг. Булар асосан ҳар бир давлатнинг шаклланиш тарихига, миллий қадриятларига, урф-одат ва анъаналари ҳамда умуминсоний қадриятлар билан ҳамоҳанг экан.

Шу билан бирга давлатлардаги жамоатчилик назорати институтининг умумий ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Ўхшашлик жиҳатлари асосан умуминсоний қадриятларга асосланган бўлиб, бу қонун устуворлиги, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англашга интилиш, бағрикенглик, фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий тамойилларидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш керакки, Ўзбекистонда жамоатчилик назорати институти янги босқичда шакллана бошлаганини инобатга олган ҳолда, кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда миллий қадриятлардан коллективизм, дахлдорлик кўникмаларини устун бўлса, умуминсонийликдан қонун устуворлиги, ошкоралик, яратувчанлик, шахсий масъулият, ташаббускорлик каби тамойиллар намоён бўлмоқда.

Бундай кўникмаларни мактаб босқичидан бошлаш орқали амалий натижаларга эришиш мумкин. Масалан, мактабларда буюк алломаларимиз ижодида жамоатчилик назорати ҳақидаги ғояларини ўрганиш мақсадида тарбия дарсларида муаммоли давра суҳбатлари, турли масалалар буйича назорат гуруҳларини ташкил этиш, юқори синфларда сайёр маърузалар ўтказиш бўлса, кейинги босқичларда эса назоратчилик лидерларини тайёрлаш, танлаш ва рағбатлантириш каби замон талабларига мос стартап тадбирларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари хориж тажрибасини кенгроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва мослаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, бугунги саъй-ҳаракатлар, қонунчилик асосини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, пировардида, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдек эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишининг энг муҳим гаровидир.

Адабиётлар рўйхати:

[1]. Афанасьев А.Ю. (2016). Институт общественного контроля за деятельностью полиции: проблемы и перспективы развития. Вестник Тюменского института повышения квалификации сотрудников МВД России. Научно-практический журнал. Выпуск №1(6). С.80-84. ФГКУ ДПО «ТИПК МВД России». // (дата обращения: 09.11.2020)

[2]. Василенко И.А. (2000). Политическая глобалистика: Учеб. пособие для студентов вузов. - М.: Логос. - 358 с. // http://window.edu.ru/resource/274/42274/files/index.html (дата обращения: 04.11.2020)

[3]. Еникеева, Д.Р. (2011). Общественный контроль деятельности органов местного самоуправления (сравнительный анализ опыта России и США) / Д. Р. Еникеева. — Текст : непосредственный // Государство и право: теория и практика: материалы I Междунар. науч. конф. (г. Челябинск, апрель) -Челябинск: Два комсомольца, 2011. -С. 220-222. https://moluch.ru/conf/law/archive/37/177/ (дата обращения: 30.10.2020).

[4]. Жигалов О.С., Панов К.Е. Зарубежный опыт в осуществлении эффективного контроля за деятельностью органов государственной власти и управления https://www.minjust.uz/ru/library/own_publications/71214/?print=Y (дата обращения: 07.11.2020)

[5]. Жўраев Қ. (2019). Жамоатчилик назорати институтининг ривожланиши: хорижий ва миллий тажриба // Ўзбекситоннинг энг янги тарихининг долзарб масалалари. №1. -Тошкент, Б. 48-62.

[6]. Каримов И.А. (2010). Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. - Ўзбекистон. http://staff.tiiame.uz/storage/users/435/books/JHwKfFofVHyTB59aE36lWYahzjg2t8J0JgWN2Svy.pdf (мурожаат санаси: 05.11.2020)

[7]. Коломитцева О.Н. (2007). контроль общества над государством. Автореферат. // https://www.dissercat.com/content/kontrol-obshchestva-nad-gosudarstvom (дата обращения: 02.11.2020)

[8]. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. // https://president.uz/uz/3119?fbclid=IwAR2xiBI08b2rSxjsfoWNs6LJKBtAjb9OWkVQiq1NL-tMwjIcpUuuEasvTic (мурожаат санаси: 07.11.2020)

[9]. Маданият назарияси. Дарслик // http://library.tersu.uz/kitoblar/aralash/Madaniyatshunoslik.pdf (дата обращения: 10.11.2020)

[10]. Макарова О.В. (2018). Использование потенциала гражданского общества в осуществлении общественного контроля в России и зарубежных государствах // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. — Россия. №2 https://jzsp.ru/issue/2018/2 (дата обращения: 06.11.2020)

[11]. Макаров, Роман. (2014). Как у них: Общественный контроль в зарубежных странах/ https://www.pnp.ru/in-world/2014/03/19/kak-u-nikh-obshhestvennyy-kontrol-vzarubezhnykh-stranakh.html (дата обращения: 03.11.2020)

[12]. Майоров В.И. (2016). Формирование механизма общественного контроля за деятельностью полиции. “Государство и право в XXI веке” Научно-практический журнал. 67 с. №2 // https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-mehanizma-obschestvennogo-kontrolya-za-deyatelnostyu-politsii. (дата обращения: 02.11.2020)

[13]. Маҳалла институти фаолияти янада такомиллашади. http://mahalladosh.uz/post?id=8832 (мурожаат санаси: 11.01.2021)

[14]. Пархоменко А.Н. (2016). Общественный контроль в Соединенных Штатах Америки // Молодой ученый. -Россия. -№20 (124). -С. 622-625. https://moluch.ru/archive/124/34196/ (дата обращения: 12.11.2020)

[15]. Прозрачность и участие: Общественный контроль 2.0 в США и Европе // http://fondfond.org/wp-content/uploads/report-control.pdf (дата обращения: 07.11.2020)

[16]. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриѐти, 1993.

[17]. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Пўлатов Б.Х. (2019) – Тошкент. “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”.. – 140 б.

[18]. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2011, 7-сон, 184-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. //http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017 (мурожаат санаси: 02.11.2020)

[19]. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори. https://lex.uz/docs/2947919 (мурожаат санаси: 08.11.2020)

[20]. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013, 17-сон, 219-модда. (мурожаат санаси: 02.11.2020)

[21]. Ўзбекистоннинг 20 миллиондан ортиқ фуқароси нодавлат-нотижорат ташкилотлар аъзоси ҳисобланади. https://daryo.uz/2018/08/14/ozbekistonning-20-milliondan-ortiq-fuqarosi-nodavlat-notijorat-tashkilotlar-azosi-hisoblanadi (мурожаат санаси: 11.01.2021)

[22]. Chan, Joseph (1997). "A Confucian Perspective on Human Rights" in De Bary. Ed.by Theodore & Tu Weiming. In: "Confucianism and Human Rights". N.Y., Columbia Univ-ty Press; Ko, Pyong-Ik & Moonhak Kwa Jesung Sa (1996), "Tradition and Transformation of East Asian History", Seoul. Retrieved from: https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.1177/095624780201400118 (Accessed 09.11.2020)

[23]. The EESC: a bridge between Europe and organized civil society, European Economic and Social Committee, 2003. p. 9.

[24]. Famous quotes from the Gettysburg Address.https://www.coursehero.com/lit/The-Gettysburg-Address/quotes/ (Accessed 09.11.2020)

[25]. GPE Secretariat. 4 Examples of Civil Society Advocating for More National Education Funding. March 17, 2017. Retrieved from: https://www.globalpartnership.org/blog/4-examples-civil-society-advocating-more-national-education-funding (Accessed 02.11.2020)

[26]. Kim, Inchoon & Hwang, Changsoon. (2002). "Defining the Nonprofit Sector: South Korea." Working Papers of the Johns Hopkins Comparative Nonprofit Sector Project, no. 41. Baltimore: The Johns Hopkins Center for Civil Society Studies, p. 10.

[27]. Mazower, Mark. (2009). "No Enchanted Palace: The End of Empire and the Ideological Origins of the United Nations", N.J.: Princeton University Press.

[28]. Richards, J.P. & Heard, J. (2005). European Environmental NGOs: Issues, Resources and Strategies in Marine Campaigns. Environmental Politics, Vol.14, No.1. February 26.

ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ: МИЛЛИЙ МАФКУРАЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Абдуссатарова Н.Б.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
мувофиқлаштирувчи-методик марказда кичик илмий ходим,

Аннотация. *Ушбу илмий мақоланинг мақсади Япония ривожланишида маданий ва мафкуравий омилнинг ролини илмий ёритишдир. Ҳозирги ривожланган мамлакатларда давлатлараро ҳамкорлик сиёсий ва иқтисодий мазмундан бирмунча бошқачароқ - маданий-мафкуравий мазмун касб этмоқда. Бу ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг энг илғор йўналишларидан бири сифатида тан олинмоқда. Мақолада глобаллашув жараёни ва унинг маданий-мафкуравий ҳаётга таъсири жаҳон мутахассислари ва олимларининг билдирган муносабати ўрганилди, Япония ривожланишида ва тараққиёт жараёнларида миллий мафкуранинг тутган ўрни, даврларга мос равишда мафкуранинг шаклланиб бориш эволюциясига бағишланган турли хил фикр ва концепциялар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Япония халқларида дунё тан олиб келаётган ажойиб инсоний фазилатлар, нодир урф-одатлар мавжудлиги ҳамда Ўзбекистон ва Япония қадриятлари бир-бирига яқин ва ўхшаш жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди.*

Айнан Япония миллий маданий ва мафкуравий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда, замонавий дунёда ҳамма соҳаларда юқори ютуқларга эришиш мумкинлигини исботлаган давлатдир. Миллий руҳият ва миллий қадриятлар билан суғирилган бетакрор япон миллий мафкураси глобаллашув жараёнида нафақат ўз миллий анъаналарини, қадр-қимматини сақлаб қолди, балки унинг ривожланиши ва шаклланиш динамикасини ҳам кучайтиришга эришди. Японлар миллий мафкура атрофида бир тану-жон бўлиб бирлашиб, бой табиий ресурсларсиз, инсон тафаккури билан ҳам муъжиза яратишга қодирлигини исботлаб берди. Мақолада глобаллашув шароитида Япония миллий мафкурасини илмий тадқиқ этишнинг тизимли ёндашув ҳамда қиёсий-солиштириш усулларидан фойдаланилди.

Таянч сўз ва иборалар: *Япония, Ўзбекистон, маданият, миллий мафкура, ватанпарварлик, инсонпарварлик, қадриятлар, ўзига хослик, ривожланиш, япон мўъжизаси.*

Аннотация. *Целью данной научной статьи является освещение роли культурного и идеологического фактора в развитии Японии. В современных развитых странах межгосударственное сотрудничество вместе с политическими и экономическими отношениями большое значение уделяется и культурному сотрудничеству. Это сегодня признано одним из ведущих направлений мировой цивилизации. В статье анализировали научные труды международных экспертов и ученных, обратили особое внимание на замечательные человеческие качества и уникальные традиции двух стран, которых признал весь мир, а также описывается сходства культурно-идеологических особенностей между Узбекистаном и Японией.*

Япония - это страна, которая доказала, что в современном мире высокие достижения во всех областях могут быть достигнуты при сохранении национальной культуры и идеологической идентичности. Уникальная японская национальная идеология, заложенная в национальном духе и национальных ценностях, не только сохранила свои национальные традиции и достоинство в процессе глобализации, но и укрепила ее развитие и динамику. Японцы объединились вокруг национальной идеологии и доказали, что могут творить чудеса с человеческими ресурсами без богатых природных ресурсов. В статье использованы системный подход и сравнительные методы исследования японской национальной идеологии в условиях глобализации.

Опорные слова и выражения: *Япония, Узбекистан, культура, национальная идеология, идеинтичность, патриотизм, человечность, особенности, неповторимый, развитие, японское чудо.*

Abstract. *The scientific article illuminates the role of the cultural and ideological factors in the development of Japan. Within modern developed countries, quite well importance has given to cultural and ideological*

interregional cooperation, it is much more than political and economic cooperation. Cultural and ideological interregional cooperation currently has recognized as one of the leading areas of world civilization. The article analyzes the similarities of cultural and ideological features between Uzbekistan and Japan. The article analyzed the scientific works of international experts and scientists, made attention to human qualities and unique traditions of the two countries, which whole world recognized, and also was described similarities of cultural and ideological features between Uzbekistan and Japan.
Japan - is a country that proved high achievements in all areas can be achieved while maintaining the national culture and ideological identity. Japan's unique national ideology, based on spirit and national value, not only kept its national tradition and dignity in the process of globalization, but also maintained its development. The Japanese united around national ideology and proved that they can do wonders with human resources without rich natural resources.The article uses a systematic approach and comparative methods for the study of Japanese national ideology in the context of globalization.

Key words and expressions: *Japan, Uzbekistan, culture. National ideology, ideology, patriotism, humanity, features, unique, development, Japanese miracle.*

Глобаллашув жараёнида миллий ғоя шаклланишининг илмий-назарий асослари

Ҳозирги даврда жамиятлар ривожланишини глобаллашув жараёнларининг инсонлар менталитети, маънавий дунёси, ижтимоий хатти-ҳаракатларига таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсоннинг кейинги тараққиёт йўллари глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоий онги, йўналтирувчи мақсадлари, қадриятлари, ҳаётий тушунчалари, дунёқараши ва охир-оқибат унинг жамият билан муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганига боғлиқ. Шунинг учун ижтимоий ва гуманитар фанларда глобаллашувнинг жамият ҳаётининг нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, балки, маданий ва мафкуравий соҳаларига таъсири масалалари, ўз навбатида маданий-мафкуравий омилнинг жамиятларнинг ривожланишида тутган муҳим ролига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда глобаллашувнинг инсон ва постиндустриал жамиятлар ҳаётидаги ўрни ҳамда роли ҳақидаги алоҳида қарашлар шаклланмоқда. Бироқ бу жараёнларнинг инсон тафаккури ва маънавий дунёсига таъсири масаласига ҳалигача етарли даражада эътибор берилмаган.Эндиликда жаҳоннинг чекка ўлкалари ёки хилват бурчаклари мавжуд эмас. Барча минтақалар жаҳон иқтисодиёти ва ягона ахборот майдонининг таркибий қисмларига айланмоқда. Ҳудудлар ва масофалар ўзининг асл маъносини йўқотадиган чегарасиз дунё тушунчаси реал шакл-шамойил касб этиб бормоқда. Бу борада биринчи Президент И.А.Каримов: "глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир",* – деб таъкидлаган эди.

Глобаллашув жараёни ва унинг маданий-мафкуравий ҳаётга таъсирини англаш мақсадида аввало глобаллашув атамасига жаҳон мутахассислари ва олимларининг билдирган муносабатини ўрганишдан бошласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Россиялик сиёсатшунос олим И.А.Уткиннинг "Глобализация: процесс и осмысление" китобининг "Глобализация: за и против" номли 3-бо-

* Karimov I.A. Yuksak manaviyat - yengilmas kuch. (High Spirituality-Invincible Force). - T .: Manaviyat. 2008. – B. 111.

бида глобаллашув жараёнининг мафкурачилари иккита қоидага алоҳида урғу беришларини таъкидлаган. Булар: биринчидан, умумий бозорда қатнашиш ҳар бир давлатга фойда келтиради. Иккинчидан, ишлаб чиқариш кучларининг, фойда ва рақобатнинг кўтарилиши натижасида ҳар бир давлатда ютган ва ютқизганлар бўлади*. Америкалик назариётчи Н.Глейзернинг фикрича, глобаллашув – бу бутун дунё миқёсида Ғарб назорати остидаги маълумотларнинг тарқалишидир. Улар кириб борган давлатларнинг қадриятларига қаттиқ таъсир ўтказади. Унинг фикрини Чехия собиқ президенти Вацлав Гавел давом эттириб: "глобаллашув бу аввало маданиятнинг глобаллашуви, яъни ғарб цивилизациясининг, айниқса, америкача маданиятнинг дунё цивилизациясига таъсири тушунилади", – деган бўлса, ** юқоридаги фикрларга "глобализм – миллий маданиятга ҳаётга таҳдид демакдир", – дея аниқлик киритади сиёсатшунос Олим Тошбоев.***

Бу жараённи Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Ганди қуйидагича тасвирлайди: "Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим ҳам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираёган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман"****.

Бугунги глобаллашув шароитида ташқаридан ижобий ғоялар билан биргаликда яшаш турмуш тарзимизга, маънавиятимизга зид бўлган турли хил ёт ва зарарли ғоялар кириб келмоқда. Айнан миллий мафкура бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айни пайтда "довуллар"дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим. Шунинг учун ҳам глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни "довуллар"дан сақлаш, ўзлигимизни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий ғоядан муҳимроқ ва кучлироқ восита йўқ. Чунки миллий мафкуранинг муҳим функцияси инсон онгида билим, тасаввур сифатида эмас, ишонч ва эътиқод сифатида шаклланиши ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз захмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардўшт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир. Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Ҳар қандай таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян

* Utkin I.A. Globalization: process i osmyslenie. (Globalization: Process and comprehension), – M., 2001. - C. 62.

** Glazer N. Two Cheers for "AsianValues" //The National interest. Fall 1999. - P. 27.

*** Toshboyev O. Globallashuv va milliy madaniyat. (Globalization national spirit).// Tafakkur. - Toshkent, 2006. – № 1. – B. 20.

**** Milliy istiqlol g'oyasi. (Idea of national independence)./Mas'ul muharrir I.Ergashev. - T:. Akademiya, 2005, - B. 81.

ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани хақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиянинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.

Глобаллашув жараёнида инсонлар, халқлар, жамият ва замонавий цивилизациялар мафкурага эҳтиёж сезади. Россиялик сиёсатшунос олим В.М.Макаровнинг фикрича, "иқтисод идеалларсиз ривожлана олмайди"*. Унинг фикрини Е.Г.Ясин давом эттиради: "Буюк мақсадларсиз, рус қадриятларисиз давлат фаол ривожлана олмайди"**. Бу билан олимлар ҳар бир жамият глобаллашув шароитида идеал, мақсад, ватанпарварлик, қадрият, орзуларни бирлаштирадиган мафкура ёрдами билангина олға бориши мумкин, деган концепцияни олға суради.

Бугунги кунда икки қутбли мафкура ўртасидаги кураш барҳам топган бўлса-да, аммо дунёда мафкуравий қарашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Глобаллашув шароитида халқларни мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги ОАВ, уларнинг ютуқларидан ҳамда турли хил марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларини ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар.

Ана шундай шароитда миллий мафкурага таяниш орқалигина мафкуравий майдонларда олиб борилаётган курашлар моҳиятини тўғри тушуниш ва миллий мафкурага таяниб, ёт ғояларга қарши курашиш мумкин. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол.

Глобаллашув, энг аввало, миллий ғояни қаттиқ синовдан ўтказади, сўнг уни обдан чиниқтириб, тоблайди. Борди-ю мафкуравий иммунитет сусайиб заифлашса, миллий мафкура глобаллашув жараёнининг қурбонига айланади. Ўзлиги йўқотган халқ эса шу тариқа қарам бўлиб қолади.

Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг дастлабки қаторида туруви Япония давлати ҳам ана шундай заруриятни биринчилар қаторида англаган ва шунга мувофиқ тарзда ўзига хос бўлган миллий мафкурани ярата олган давлатлардан бири ҳисобланади. Бугунги глобалашиб бораётган дунёда ушбу давлатнинг миллий мафкураси пайдо бўлиши ва ривожланиши жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳурмат ва қизиқиш билан ўрганилади.

---

* Kuznetsov V. N. Ideologiya: Sotsiologichiskiy aspekt. (Ideology: Sociological aspect), - M.: Kniga i biznes, 2005. - S. 80.

** Yasin E.G. Modernizatsiya ekonomiki i sistema tensnostey. (Economic modernization and value system) // Voprosy ekonomiki. - Moskva, 2003. - № 4. - S. 28

Миллий мафкуранинг хусусиятлари ва тарихий босқичлари

Япония миллий мафкурасининг хусусиятлари, мақсади ва моҳияти, шаклланиш тарихи ҳақида кўп илмий ишлар қилинган. Миллий мафкуранинг эволюцияси, шаклланиш босқичларига бағишланган турли хил фикр ва концепциялар ҳам мавжуд. Масалан, япон диншуноси Китагава Дж. миллий мафкуранинг пойдевори асосан Эдо даврига (1600–1867) тўғри келади деган илмий хулосалар келтирган бўлса,* японшунос олима Язовская О. В. эса ўз изланишларида у Медзи даврига (1867–1912) келиб, яъни императорлик ҳокимиятини тиклаш даврида анча мустаҳкамлангани ҳақида илмий хулосалар беради.** Миллий мафкура концепцияси Тайсё (1912– 1926) ва Сёва даврининг биринчи ярмига (1926–1945) келиб янада тизимлаштирилди ва батафсил тушунтиришга харакат қилинди. Миллий мафкуранинг ўзига хос хусусиятлари, мақсади ва моҳияти ҳақида Японияда Мэйдзи (1867–1912) давридан бошлаб бир қатор давлат ҳужжатлари ва расмий манбаларда ҳам аниқ ва тизимли фикрлар ёритилган. Миллий мафкура концепцияси ғояларининг куртакларини қисман императорнинг 1868 йилдаги нутқида, 1889 йилдаги Мэйдзи конституциясида тақдим этилган. Япония миллий мафкураси концепциясининг батафсил изоҳи ва тўлиқ ғоялар тўплами Япония таълим вазирлиги томонидан 1937 йил чоп қилинган «Кокутай-но хонги» (Кокутайнинг асосий тамойиллари) рисоласида келтирилган.*** Умуман қараганда, «Кокутай-но хонги» рисоласининг мақсади япон миллий моҳиятининг жуда муккамал эканлигини ва унинг томирлари қадим замонлардан бошланишини таъкидлаш эди. Буни англаш ва исботлаш учун эса революцион ўзгаришлар шарт эмас эди албатта.****

Япон миллий мафкурасининг шаклланиши бир неча тарихий босқича эга. Бу борада ҳам олимлар турли хил хулосалар беришган. Япошунос олима Язовская О. В. миллий мафкуранинг мазмуни ҳақида фикр юритар экан, уни уч босқичдан иборат дея асослайди. Яъни, биринчи босқич бу XVIII-асрнинг охири XIX-асрнинг биринчи ярми, иккинчи босқич XIX-асрнинг охири - XX-асрнинг биринчи ярми ва учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярми дея белгилайди.***** М. И. Крупянко ва Л. Г. Арешидзенинг фикрича, совуқ урушдан

---

* Kitagava Dj. M. Religiya v istorii Yaponii. (Religion in the history of Japan), M.: Nauka, 2005. - S. 479. https://www.twirpx.com/file/1257914/

** Yazovskaya, O. V. Tradatsionniye mifo-religiozniye kompleksy v kontekste transformatsii gosudarstvennoy sistemi Yaponii. (The Traditional myths-religious complexes in the case of Japan's state structure). 24.00.01 - Teoriya i istoriya kulturi. Dissertatsiya na sooskanie uchenoy stepeni kandidat kulturologii. file:///C:/Users/User/Downloads/Dissertacija_O.V._JAzovskaja_nov%20(1).pdf

*** Sokolovskiy I. V. Konferentsiya «Lomonosov 2016». Sektsiya «Noveyshaya istoriya stran Azii i Afriki» Yaponiya v 1930-e gody. Agressiya v Kitae (Conference "Lomonosov 2016". "The contemporary history of Asia and Africa" Japan in the 1930s.),//https://lomonosov-msu.ru/archive/Lomonosov_2016/data/8330/uid104322_report.pdf

**** Yazovskaya O.V. Otobrajenie mifologicheskoy kontseptsii kokaytay v uchebnyx ocherkax po istorii Yaponii kontsa 30-40 godov XX veka. (Representation of mythological concept of kokutai in discipline on the history of Japan at the end of the 30-40 years of the XX century),Vestnik TGGPU. 2011. №2(24)// http://philology-and-culture.kpfu.ru/?q=system/files/%D0%A1%20256-259.pdf.

***** Yazovskaya O.V. Konsepsiya natsionalnoy sushchnosti kokaytay kak osnova natsionalnogo samosoznaniya Yaponii. (National identity of Kokutai as a national self-consciousness), Elektronnoe nauchnoe izdanie Almanax Prostranstvo i Vremya T. 15. Vyp. 1. 2017/ https://cyberleninka.ru/article/n/kontseptsiya-natsionalnoy-suschnosti-kokutay-kak-osnova-natsionalnogo-samosoznaniya-

кейин япон давлатининг миллий мафкураси бу давлат ва жамият уйғунлиги мафкураси бўлиб, ҳокимият ва жамият томонидан XXI асрда миллатнинг қийинчиликларга бардош бера олиши учун талаб қилинган даврда шаклланган эди. Япон мафкураси бу ҳукумат элиталари томонидан миллатнинг ички ва ташқи эҳтиёжларини, ўзига хос манфаатларини қондириш учун қадимдан яратилган махсус мафкуравий қурилмадир, дея таъкидлашади.[*] Демак, рамзий маънода бу даврни тўртинчи босқич дея белгилаш мумкин.

Шуниси эътиборга лойиқки, XXI аср бошларида турли хил тўсиқ ва таҳдидларга қарамасдан японияда миллий мафкура пасаймади, аксинча давлат ва жамият мафкураси уйғунлиги янада мустаҳкамланди. Бу ҳолат, олимларнинг фикрича, япон халқига бегона бўлган глобал куч ва ёт мафкураларнинг кириб келишини олдини олиш, уларга қарши тура олиш каби кўникмаларни шакллантириш мақсадида берилган тарихий миссияси эканлиги билан асослашади. Буни эса японлардаги миллатни бирлаштириб турадиган кучли механизми мавжудлиги ва "ўзига хослигини" сақлаб қолишига ишонч катта эканлиги билан изоҳлаш мумкин.[**]

Замонавий япон олимлари Ямагути Сатоси и Мураками Сигэёси миллий мафкуранинг хусусиятлари хақида фикр билдирар экан, уни "миллатнинг руҳияти" деб таърифлайди, унинг моҳияти императорнинг худолар ва одамлар дунёси ўртасидаги боғлиқлик сифатида алоҳида мавқега эга дея таъкидлайдилар.[***] Японшунос олим А.Н. Мешеряков эса, миллий мафкурага "миллий руҳият", японча миллий ўзига хослигининг пойдевори каби таъриф берган.[****] Япония тарихи ихтисослиги буйича мутахассис В.Э. Молодяков мафкурани япон давлатининг жозибадор ва бетакрор жонга эга ва ривожланаётган "ажойиб тирик организм" каби тушуниш кераклигини таъкидлайди.[*****]

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг миллий мафкура феноменининг мазмуни, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини аниқлаш орқали, турли хил нуқтаи

---

yaponii

* M. I. Krupyanko, L. G. Areshidze. Yaponiya: Ideologiya gosudarstvennogo natsionalizma. Svyaz vremen. (Japan: The ideology of state)// Istoriya i sovremennost, № 2, sentyabr 2010. 185-186 s. https://cyberleninka.ru/article/n/yaponiya-ideologiya-gosudarstvennogo-natsionalizma

** M. I. Krupyanko, L. G. Areshidze. Yaponiya: Ideologiya gosudarstvennogo natsionalizma. Svyaz vremen (The ideology of state)// Istoriya i sovremennost №2, sentyabr 2010. 187 s// https://cyberleninka.ru/article/n/yaponiya-ideologiya-gosudarstvennogo-natsionalizma

*** Yazovskaya, O. V. Konsepsiya natsionalnoy sushchnosti kokaytay kak osnova natsionalnogo samosoznaniya Yaponii. (The concept of the national essence of Kokutai as the basis of the national identity of Japan).// Elektronnoe nauchnoe izdanie Almanax Prostranstvo i Vremya. - 2017. - T. 15. - Vyp. 1: Studia studiosorum: uspexi molodyx issledovateley. - Statsionarnyy setevoy adres:2227-9490e-aprovr_e-ast15-1.2017.//https://cyberleninka.ru/article/n/kontseptsiya-natsionalnoy-suschnosti-kokutay-kak-osnova-natsionalnogo-samosoznaniya-yaponii/viewer

**** Meshheryakov A. N. Byt yapontsem. Istoriya, poetika va stsenografiya yaponskogo totolitalizm. (Being Japanese. History, poetics and scenography of Japanese totalitarianism), -M., Izd .: Natalis. 2009/ -S. 68./ https://spblib.ru/catalog/-/books/11546375-byt-yapontsem

***** Yazovskaya, O. V. Konsepsiya natsionalnoy sushchnosti kokaytay kak osnova natsionalnogo samosoznaniya Yaponii. (The concept of the national essence of Kokutai as the basis of the national identity of Japan)// Elektronnoe nauchnoe izdanie Almanax Prostranstvo i Vremya. - 2017. - T. 15. - Vyp. 1: Studia studiosorum: uspexi molodix issledovateley. - Statsionarnyy setevoy adres:2227-9490e-aprovr_e-ast15-1.2017.53. https://cyberleninka.ru/article/n/kontseptsiya-natsionalnoy-suschnosti-kokutay-kak-osnova-natsionalnogo-samosoznaniya-yaponii/viewer

назарлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Япониядаги миллий мафкура ўтмиш, бугунги кунда ҳам келажакда ҳам бирлаштирувчи куч сифатида сақланиб қолади. Бу япон миллати ва япон давлатининг мавжудлиги ҳамда ривожланиб бориши билан узвий боғлиқдир. Миллий мафкуранинг механизмини юргизадиган услуб ва воситалари эса миллий қадриятлар, миллий ўзига хослик, миллий ғурур, миллий ифтихор, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан биргаликда харакат қилиш ҳисобланади.

Ўзбек ва япон халқларининг маданий-мафкуравий жиҳатлари

Ўзбекистон ва Япония қадриятлари бир-бирига яқин ва жуда ўхшаш. Иккала давлатда асрлар мобайнида маънавият, дин-ахлоқ, таълим-тарбия ва маданият уйғун ҳолда турмуш тарзига айланган. Ахлоқ ҳар қандай шароитда инсонийликнинг бош тамойили сифатида тан олинган. Қолган барча ҳаракатлар ва мезонлар, жумладан, иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бозор муносабатлари, савдо-сотиқ, мол айирбошлаш ҳам қадимдан юксак одоб ва ахлоққа таянган маънавий-мафкуравий муносабатларнинг бир қисми ҳисобланган. Руҳий, маънавий яқинлик умуминсоний қадриятларнинг кескин ривожланишига асос бўлган.

Ўзбекистон ва Япония халқларида дунё тан бериб келаётган ажойиб инсоний фазилатлар, нодир урф-одатлар мавжуд. Оила аъзоларининг барчаси тўпланмагунча овқат емай туриш, ота-онани ўрнидан туриб кутиб олиш, уларга ҳар доим илтифот кўрсатиш, маҳалладошларга, каттаю-кичикка ёрдамни аямаслик, андиша, уят, одоб-ахлоқ, ғурур ва ҳалоллик – буларнинг ҳаммаси иккала халқда чинакам эъзозланади. Масалан, чой ичиш маросини олайлик. Кўп асрлар давомида чой ичиш маросими ота-боболардан мерос қолган бўлиб, уларнинг турмуш тарзидаги қадриятларни эъзозлаш, ёш авлодни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бу япон халқи томонидан юқори баҳоланадиган қонунлар ва ахлоқий меъёрларга қатъий ҳурмат ва риоя қилиш ҳисобланади. Иккала халқда хонадонда доимий, оила аъзолари тўпланганда ҳам, уйга меҳмон келганида ҳам ҳурмат-иззат рамзи сифатида бир пиёла чой узатилади.

Уларнинг ҳозирги замонавий миллий-ахлоқий қадриятлари тизимида дўстлик, инсонпарварлик, мардлик, меҳмондўстлик, болажонлик, кучли орномус, миллий ғурур, вазминлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик сингари фазилатлари ҳам ўз кучини сақлаб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасида Кунчиқар мамлакатнинг турли ҳудудларида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, кўргазмалар, тақдимот маросимлари ўтказилди. Япониянинг Киото шаҳри яқинидаги Михо музейида “Қадимги Амударё хазиналари” кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Музейга Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ва “Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида“ лойиҳаси доирасида 10 жилдлик китоб-альбомлар тўплами ҳамда туркумнинг Япония коллекцияларидаги Марказий Осиё хази-

наларига бағишланган янги жилди тақдим этилди.* Бу каби тадбирлар жуда кўп ўтказилади ва икки давлат ўртасида маданий-мафкуравий соҳадаги муносабатларини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбек ва япон халқларининг маданий-мафкуравий жиҳатларини венндиаграмма ёрдамида ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳар томонлама ривожланган Япониянинг катта ютуқларга эришишида айнан миллий мафкуранинг ҳал қилувчи ўрни беқиёсдир. Дарҳақиқат, миллий руҳият ва миллий қадриятлар билан суғирилган бетакрор япон миллий мафкураси глобаллашув жараёнида нафақат ўз миллий анъаналарини, қадр-қимматини сақлаб қолди, балки унинг ривожланиши ва шаклланиш динамикасини ҳам кучайтиришга эришди. Японлар миллий мафкура атрофида бир тану-жон бўлиб бирлашиб, бой табиий ресурсларсиз, инсон тафаккури билан ҳам муъжиза яратишга қодирлигини исботлаб берди. Шу ўринда “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” ўзбек халқ мақоли япон халқи учун тўла мос келади деб айтиш мумкин.

Ҳозирги даврда илмий-техника тараққиёти, техник-технологик алоқа воситаларини, оммавий ахборот айирбошлаш инфратузилмасини ва мураккаб коммуникациясини вужудга келтириши билан мафкуравий муносабатларни жадаллаштириб, универсаллаштириб юборди. Хусусан, ахборот айирбошлашнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, Интернет, космик теле, радио алоқа тизимларининг ривожланиши, бу соҳадаги интеллектуал

* Yaponiyada O‘zbekistonning madaniy merosiga baho berilgan ko‘rgazma ochildi. (In Japan opened an exhibition dedicated cultural heritage of Uzbekistan)// http://uza.uz/oz/society/yaponiyada-zbekiston-madaniy-merosiga-ba-ishlangan-k-rgazma--19-12-2019

салоҳиятларнинг миқдори ва сифатининг ошиб бориши мафкуравий муносабатларнинг глобаллашувига олиб келди.

Глобаллашув шароитида миллий мафкуранинг асосий вазифаларидан бири инсониятга хавф солаётган глобал муаммоларнинг таҳдидини кенг ташвиқот қилиш ва унга қарши курашда жаҳон халқлари бирлигини вужудга келтиришдир. Шунинг учун ҳам миллий ривожланишга қаратилган ғояларда жаҳон халқларининг бирлигини вужудга келтиришнинг умуминсоний ғояга айланиши бугунги кун долзарб вазифасига айланган. Бунда эса ҳар бир миллатнинг ўз миллий хусусиятларини, маданиятини, урф-одатларини, анъаналарини авайлаб сақлаб бориш давр талабига айланиб бормоқда.

Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар дастури йилдан-йилга кенгаймоқда. Мамлакатимизда доимий равишда япон фильмлари намойиши, бадиий кўргазмалар, концерт ва спектакллар, япониялик санъат арбобларининг маҳорат дарслари ўтказиб келинаяпти. 2001 йилдан бошлаб сакура кўчати ўтқазила бошлади, 2002 йилдан бошлаб машҳур рассом Икуо Хираяма кўмагида ташкил қилинган Халқаро маданият карвонсаройи анъанага айланиб келмоқда, Ўзбекистон — Япония илмий-ижодий маркази Тошкентдаги энг оммавий жойлардан бирига айланган десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, Япониянинг йирик шаҳар ва вилоятларида доимий равишда Ўзбекистон маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳияти тақдимотлари ташкил этилмоқда. Токио ва Нагоя шаҳарларида бўлиб ўтган "Японияда Ўзбекистон кунлари" маданий тадбири бу борадаги навбатдаги ёрқин воқеалардан бири бўлди. 1999 йилда таъсис этилган "Ўзбекистон — Япония" дўстлик жамияти эса маданиятлараро мулоқотларнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга ташриф доирасида ҳам нафақат энергетика, қазиб олиш тармоғи, машинасозлик, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, туризм ва бошқа устувор йўналишларда, Япония етакчи компания ва банкларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва илғор технологияларини жалб қилган ҳолда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш маъқулланди, балким маданий алмашинув соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. *

Адабиётлар рўйхати:

1. Karimov I.A. Yuksak manaviyat - yengilmas kuch. (High Spirituality-Invincible Force). - T .: Manaviyat. 2008.

2. Utkin I.A. Globalization: process i osmyslenie. (Globalization: Process and comprehension), – M., 2001.

3. Glazer N. Two Cheers for "AsianValues" //The National interest. Fall 1999.

4. Toshboyev O. Globallashuv va milliy madaniyat. (Globalization national spirit).// Tafakkur. - Toshkent, 2006. – № 1.

* O'zbekiston va Yaponiya strategik sherikligidagi yangi davr. (Uzbekistan and Japan new stage of strategic partnership)// https://pv.uz/uz/news/ozbekiston-va-yaponiya-strategik-sherikligida-yangi-davr

5. Milliy istiqlol g‘oyasi. (Idea of national independence)./Mas’ul muharrir I.Ergashev. - T:. Akademiya, 2005.

6. Kuznetsov V. N. Ideologiya: Sotsiologichiskiy aspekt.(Ideology: Sociological aspect), - M.: Kniga i biznes, 2005.

7. Yasin E.G. Modernizatsiya ekonomiki i sistema tensnostey.(Economic modernization and value system) // Voprosy ekonomiki. - Moskva, 2003. - № 4.

8. Kitagava Dj. M. Religiya v istorii Yaponii. (Religion in the history of Japan), M.: Nauka, 2005. https://www.twirpx.com/file/1257914/

Российская Федерация	**3 741,3**	**4 105,6**	**3 589,4**
Экспорт	1 362,0	1 575,2	934,1
Импорт	2 379,3	2 530,3	2 655,3
Сальдо	-1 017,3	-955,1	-1 721,3
Казахстан	**1 906,6**	**2 238,9**	**1 765,1**
Экспорт	925,0	895,8	553,9
Импорт	981,6	1 343,1	1 211,2
Сальдо	-56,6	-447,2	-657,3
Республика Корея	**1 069,7**	**1 852,7**	**1 449,0**
Экспорт	60,6	64,7	29,0
Импорт	1 009,1	1 788,0	1 420,0
Сальдо	-948,5	-1 723,3	-1 391,0
Турция	**1 358,4**	**1 626,4**	**1 234,6**
Экспорт	562,3	773,1	556,1
Импорт	796,1	853,3	678,5
Сальдо	-233,8	-80,2	-122,3

Источник: Госкомстат Республики Узбекистан, 2020.

- *стремительное повышение доли китайских кредитов и инвестиций* в ряде отраслей узбекской экономики (телекоммуникационной, банковской, сельскохозяйственной). Так, только в рамках двух соглашений о реализации в Узбекистане проектов «Безопасный город» и «Умный город», подписанных в июне 2019 г. правительством Республики с китайскими корпорациями CITIC Group, Henan Costar Group и Huawei к концу 2020 г. планируется освоить 1 млрд. долл. инвестиций КНР в сфере развития цифровой инфраструктуры Узбекистана. *(Knews.kg, 2019).* Как представляется, указанный вызов, характерный для всех государств Центральной Азии, опасен тем, что попадание в длительную финансово-кредитную зависимость Узбекистана и других стран региона от Китая создаст благодатную почву для формирования ориентированной преимущественно на китайские интересы структуры экономики Республики с высокой долей в ней коррупционной составляющей.

- *растущая вероятность усиления политического влияния* КНР в Узбекистане, как и в других странах Центральной Азии, по мере расширения их экономического и инвестиционного партнерства на двустороннем уровне и в рамках многосторонних финансовых институтов, созданных по инициативе Китая (АБИИ, Фонд «Шелкового пути»). Хотя общий объем китайских прямых инвестиций, вложенных в экономику Узбекистана с 1992 года, намного уступает аналогичным показателям соседнего Казахстана, РФ и некоторых других стран СНГ, в текущем году данный показатель уже превысил 9 млрд. долл. *(Stanradar.com, 2020).* В долгосрочной перспективе данная тенденция, на мой взгляд, несет высокий риск постепенного закрепления не только в Узбекистане, но и других государствах Центральной Азии торгово-экономической, а затем и внешней политики, сфокусированной исключительно на удовлетворении национальных интересов КНР за счет формирования влиятельного слоя политической и бизнес-элиты стран региона, ориентированной на Пекин.

Вместе с тем еще до возникновения пандемии коронавируса, приведшей к серьезному сокращению объемов глобальной торговли и ее отдельных региональных сегментов, многие зарубежные эксперты, задавая вопрос о том, будет ли Китай оспаривать геополитическое доминирование других государств в регионе Центральной Азии в случае успешной реализации инициативы ОПОП, подчеркнули, что однозначного ответа на него пока нет. В нынешней ситуации ответить на этот вопрос, как представляется, еще труднее.

Эксперт по Китаю из Колумбийского университета США Э.Вишник подчеркивает, что «по неуклонно и стремительно развивавшемуся в последние годы партнерству России и Китая на двустороннем уровне и в формате ШОС, которое проявлялось и в их совместной опеке над странами Центральной Азии, по всей видимости, нанесен серьезный удар в виде спада в торговле и инвестициях, вызванного не столько “торговой войной” США и КНР, сколько коронавирусной пандемией» *(Wishnik, 2020).*

Отдельные зарубежные эксперты полагают, что «под “соусом” недавнего предложения китайского руководства по развитию «Шелкового пути в сфере здравоохранения» и активности китайских дипломатов в каждой из стран региона объединить со своими коллегами из Центральной Азии усилия по борьбе с масштабной коронавирусной инфекцией может скрываться их стремление, воспользовавшись нынешней ситуацией, как можно сильнее привязать к себе Узбекистан и его соседей по региону. В частности, как считает эксперт итальянского Института международных политических исследований (ISPI) Дж.Скиорати, «с запуском инициативы ОПОП и растущим стремлением КНР закрепиться в роли мировой державы, подход Пекина к Центральной Азии постепенно трансформировался из его традиционной модели участия к более активному подходу, в котором Китай представляется в качестве основного полюса в отношениях с регионом». По ее мнению, «имея знания и опыт, достаточные для углубления отношений со своими центральноазиатскими партнерами, Пекин теперь вышел за рамки необходимости российского посредничества и демонстрирует в последние годы собственную автономную стратегию для региона» *(Sciorati, 2019)*. Как мне представляется, пандемия COVID-19 не только не отложила применение такого подхода, но, напротив, ускорила его внедрение.

Выводы

В целом, на мой взгляд, хотя ограничения из-за коронавирусной пандемии оказывают определенное негативное влияние на текущее состояние узбекско-китайского сотрудничества в торгово-экономической сфере и шире - на отложенный характер отношений двух стран в многостороннем формате, однако правительства, компании и общественность двух стран предпринимают значительные шаги к минимизации отрицательных последствий данного процесса. Так, большинство узбекских специалистов рассчитывает, что две страны будут продолжать прикладывать серьезные усилия по недопущению резкого снижения объема двустороннего товарооборота, оптимизации структуры узбекско-китайской торговли и возобновлению реализации запланированных ранее, но отложенных совместных проектов в различных приоритетных сферах сотрудничества.

Более того, с учетом наблюдаемой в последние годы тенденции роста объемов взаимодействия между отдельными регионами Узбекистана и КНР в различных областях экономики, науки, образования, здравоохранения и культуры, которая накладывается на похожие тенденции усиления межрегионального сотрудничества между другими странами Центральной Азии и Китаем, как мне представляется, для нашей страны и всех ее соседей по региону в среднесрочной перспективе необходимо сфокусировать внимание на объединении торгово-экономических усилий и потенциала сопредельных регионов Узбекистана, Кыргызстана, Таджикистана и Казахстана для налаживания их взаимовыгодных отношений с регионами КНР.

Узбекские аналитики также полагают, что необходимы:

- формирование общерегиональной стратегии по обеспечению бесперебойной работы связанных с чрезвычайными ситуациями секторов, прежде всего здравоохранения, электроэнергетики, коммунальной и телекоммуникационной инфраструктуры, а также снабжения и распределения продовольствия;

- выработка и реализация общерегионального подхода в вопросах снижения критической зависимости стран региона от импорта медицинской техники и оборудования, медицинских препаратов и лекарств из США и государств ЕС путем налаживания кооперации государств Центральной Азии с Китаем и Россией в сфере разработки вакцин, в производстве медицинской техники и материалов;

- разработка единых в формате ЕАЭС, СНГ и ШОС подходов в вопросах внедрения и развития цифровой медицины, цифрового, дистанционного образования на всех уровнях, развития цифровых коммуникаций, онлайн-торговли и электронного бизнеса *(Эргашев, 2020; Валиев, 2020).* Данную точку зрения разделяют и китайские эксперты, которые призывают «к гибким совместным действиям при осуществлении сотрудничества в области транспорта и логистики, обеспечения продовольственной безопасности, развития медицины и общественного здравоохранения, ускоренной цифровизации отраслей экономики, особенно системы торговли и оказания услуг» *(Nuz.uz, 2020)*.

В более длительной перспективе всем государствам Центральной Азии, на мой взгляд, целесообразно подумать над повышением уровня координации

своих подходов и выработкой совместных решений с целью развития ими взаимовыгодного многостороннего сотрудничества в рамках таких международных организаций как ПРООН, ЭСКАТО, ШОС, а также эффективных механизмов сопряжения партнерства в форматах «ЕАЭС - ОПОП», «ЕАЭС - ШОС».

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Валиев С. Как Россия и Центральная Азия смогут выйти из коронакризиса? ИАЦ МГУ, 08.07.2020. https://ia-centr.ru/article/kak-rossiya-i-centralnaya-aziya-smogut-vyiti

2. Внешнеторговый оборот Республики Узбекистан (предварительные данные за январь-август 2020 года). Отчет Госкомстата РУз. - 25.09.2020. https://stat.uz/doklady. Документ в PDF-формате.

3. Геополитические игры в Центральной Азии. Обзор мнений. - 21.10.2019. https://caa-network.org/archives/18292

4. Изимов Р. О стратегии Китая в Центральной Азии: анализ новых подходов и трендов. - 10.07.2019. https://caa-network.org

5. Казанцев А. Эпидемия коронавируса и ситуация в Центральной Азии. - 07.05.2020. https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/epidemiya-koronavirusa-i-situatsiya-v-tsentralnoy-azii/

6. Как коронавирус повлиял на отношения Узбекистана и Китая. - 22.05.2020. https://forbes.uz/finances/integration/kak_pandemiya_povliyala_na_otnosheniya_uzbekistana_i_kitaya

7. Кармазин И. Финальное взвешивание: вступит ли Узбекистан в Евразийский союз. - Известия. - 04.02.2020. https://iz.ru/article/finalnoye-vzveshivaniye

8. Китай доминирует в цифровой инфраструктуре Узбекистана. - 02.07.2019. https://knews.kg/2019/07/02/kitaj-dominiruet-v-tsifrovoj-infrastrukture-uzbekistana

9. Китай опередил Россию по объему торговли с Узбекистаном. - 19.06.2020. https://kursiv.kz/news/rynki/2020-06/kitay-operedil-rossiyu-po-obemu-torgovli-s-uzbekistanom

10. Китайская надежда Узбекистана - уйти от сырьевой зависимости. Интервью с узбекским экспертом Б.Эргашевым. - 02.03.2018. https://www.sonar2050.org/publications/uzbekistan-v-2050-godu/

11. Китай и Узбекистан в поисках путей сотрудничества в новых условиях. - 11.07.2020. https://nuz.uz/politika/1159387-kitaj-i-uzbekistan-v-poiskah-putej-sotrudnichestva-v-novyh-usloviyah.html

12a. Коронавирусная пандемия влияет на рынок фруктов Узбекистана. - 17.04.2020. https://kun.uz/

12b. С какими государствами Узбекистаном достигнуты высокие объёмы внешнеторгового оборота? – 28.10.2020. https://kun.uz/ru/news/2020/10/28/s-kakimi-gosudarstvami-uzbekistanom-dostignuty-vysokiye-obyomy-vneshnetorgovogo-oborota

13. Кутбитдинов Ю. Китайский вектор узбекской экономики. // Экономическое обозрение. - №2 (242) 2020 г. https://review.uz/ru/post/kitayskiy-vektor-uzbekskoy-ekonomiki

14. Лучшее - друг хорошего: Узбекистан и Китай планируют реализовать десятки проектов на миллиарды долларов. - АН «Podrobno.uz». - 01.02.2019. https://podrobno.uz/cat/uzbekistan-i-kitay-klyuchi-ot-budushchego/luchshee-drug-khoroshego-u/

15. Махмудов Р. Шелковый путь под давлением. // Экономическое обозрение. - №10, 2018 г. http://review.uz/ru/post/jurnal-maqola/shelkovyi-put-pod-davleniem-2

16a. Медики Узбекистана и КНР запустили онлайн-консультации по борьбе с COVID-19. - МИА «Sputnik» - 26.04.2020. https://uz.sputniknews.ru/society/20200426/14002684/Mediki-Uzbekistana-i-KNR-zapustili-onlayn-konsultatsii-po-borbe-s-COVID-19.html

16b. Узбекистан и КНР намерены преодолевать последствия пандемии вместе. - МИА «Sputnik». - 07.05.2020. https://uz.sputniknews.ru/politics/20200507/14080103/Uzbekistan-i-KNR-namereny-preodolevat-posledstviya-pandemii-vmeste.html

17a. Новая группа китайских врачей прибыла в Узбекистан для помощи в борьбе с COVID-19. – АН «Podrobno.uz». - 19.08.2020. https://www.podrobno.uz/cat/uzbekistan-i-kitay-klyuchi-ot-budushchego/novaya-gruppa-kitayskikh-vracheypribyla-v-uzbekistan-dlya-pomoshchi-v-borbe-s-covid-19/

17b. Партнерство с прицелом на будущее. Энергетические проекты и инициативы Узбекистана и Китая в период пандемии. - АН «Podrobno.uz». - 13.08.2020. https://www.podrobno.uz/cat/uzbekistan-i-kitay-klyuchi-ot-budushchego/partnerstvo-s-pritselom-na-budushchee-energeticheskie-proekty-i-initsiativy-uzbekistana-i-kitaya-v-p/

18. О сотрудничестве Узбекистана с Китаем в борьбе с коронавирусом. - НИА «UZA». - 01.05.2020. http://uza.uz/ru/society/o-sotrudnichestve-uzbekistana-s-kitaem-v-borbe-s-koronavirus-01-05-2020

19. Парамонов В. Отношения между Китаем и Центральной Азией: социально-экономическое измерение. // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. (Общественное мнение. Права человека.) - №2 (90) 2020 г. - С. 38-43.

20. Россия вытеснила Китай с позиции главного торгового партнёра Узбекистана.

- 09.04.2020. https://ia-centr.ru/publications/rossiya-vytesnila-kitay-s-pozitsii-glavnogo-torgovogo-partnyera-uzbekistana/

21. Сатпаев Д. COVID-19 и Центральная Азия-2020: проблемы, последствия, выводы. - 19.05.2020. https://forbes.kz/process/expertise/covid-19_i_tsentralnaya_aziya-2020_problemyi_posledstviya_vyivodyi

22. Специальный репортаж: Возобновление совместных китайско-узбекских проектов в условиях COVID-19 демонстрирует устойчивость и жизнеспособность «Пояса и пути». - ИА «Синьхуа», 30.06.2020. https://news.rambler.ru/other/44429090-spetsialnyy-reportazh-vozobnovlenie-sovmestnyh-kitaysko-uzbekskih-proektov-v-usloviyah-covid-19-demonstriruet-ustoychivost-i-zhiznesposobnost-poyasa-i-puti/?updated

23. Столповский О. Стратегическое партнерство Узбекистана и Китая набирает обороты. - 05.11.2019. https://www.ritmeurasia.org/news--2019-11-05--strategicheskoe-partnerstvo-uzbekistana-i-kitaja-nabiraet-oboroty-45760

24. Узбекистан - Китай: по пути дальнейшего развития стратегического партнерства и дружеских отношений. - 12.05.2017. http://uza.uz/ru/politics/uzbekistan-kitay-po-puti-dalneyshego-razvitiya-strategichesk-12-05-2017

25. Умаров Т. На пути к Pax Sinica: что несет Центральной Азии экспансия Китая. – 26.03.2020. https://elgezit.kg/2020/03/26/na-puti-k-pax-sinica-chto-neset-tsentralnoj-azii-ekspansiya-kitaya/

26. Центральная Азия на карте нового Шелкового пути. - 08.05.2019. https://caa-network.org/archives/16044

27. Экономика Узбекистана-2020: Кризис в сферах, рост безналичных платежей и дефицит бюджета. - 07.05.2020. https://stanradar.com/news/full/39472-ekonomika-uzbekistana-2020-krizis-v-sferah-rost-beznalichnyh-platezhej-i-defitsit-bjudzheta.html

28. Эргашев Б. Выход из коронакризиса: три пути для Центральной Азии. ИАЦ МГУ, 03.07.2020. https://ia-centr.ru/article/vyhod-iz-coronakrizisa

29. Яо Цзэян. Имидж «Пояса и пути»: Китай начинает борьбу с репутационным ущербом в Центральной Азии. - 20.01.2020. https://russian.eurasianet.org

30. Pantucci Raffaello. China's Complicated Relationship With Central Asia. – November 8, 2019. https://theglobalobservatory.org/2019/11/chinas-complicated-relationship-with-central-asia

31. Sciorati Julia. Central Asia: one of the most favorite peripheries of China.

- 18.10.2019. https://ispi.it/eng/central-asia-one-of-the-most-favorite-peripheries-of-china

32. Shapiro Daniel. China and Russia in Central Asia: complicated balance. - 11.10.2019. https://www.ponarseurasia.org/eng/article/china-and-russia-in-central-asia-complicated-balance

33. Wishnik Elizabeth. Masked Diplomacy: Xi and Putin Seek Advantage and Cover From the Pandemic. - 26.04.2020. https://www.ponarseurasia.org/memo/masked-diplomacy-xi-and-putin-seek-advantage-and-cover-from-the-pandemic

ЕВРОПАДАГИ ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ХАРАКАТИ: МУНОСАБАТ ВА ҚАРАШЛАР

ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказнинг таянч докторанти М.Ш. Нурсаидова

Янги Ўзбекистонда Иккинчи жахон уруши тарихини қайта кўриб чиқиш ишлари янги босқичда олиб борилмоқда. Айниқса, Европадаги Қаршилик кўрсатиш харакатларига нисбатан дунё олимлари томонидан турли хил қараш ва муносабатлар мавжуд. Уларни таҳлил қилиб, тизимлаштирган ҳолда бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушида СССР нинг ролига бўлган муносабатлар.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган давлатларнинг муносабатлари (Франция мисолида).

Европадаги Қаршилик кўрсатиш харакатларига нисбатан турли хил муносабат ва қарашлар.

Иккинчи жаҳон урушида СССРнинг ролига бўлган турли хил мазмундаги муносабатлар мавжуд. Улардан баъзиларига тўхталмоқчимиз. Масалан, Александр Самсоновнинг* қарашларини келтирамиз. Унинг фикрича, бугунги кунга қадар маълум бўлган манбалардаги маълумотлар Ғарб манфаатларига қаратилган бўлиб, анча бўртирилиб ёритилган. Ваҳоланки, ушбу мамлакатларда Қаршилик кўрсатиш харакатлари жуда суст бўлган. Яъни, Европанинг иқтисодий ва демографик ресурслари совет цивилизациясини йўқ қилиш мақсадида бирлаштирилган эди, дея асослашга харакат қилади автор. Масалан, баъзи давлатларда Қаршилик кўрсатиш харакатлари фақат Қизил Армия (Венгрия, Австрия ва Чехия) яқинлашганда ва Иккинчи фронт очилишида пайдо бўлган бўлса, қолган баъзи жойларда эса минимал даражада эди. Урушдан кейин эса Совет Иттифоқи даврида қардош социалистик мамлакатларни хафа қилмаслик мақсадида бу ҳақиқатни таъкидламасликка ҳаракат қилишган. Ғарбий Европанинг аксарият қисми ўз ҳохиши билан Гитлер тасарруфига ўтиб кетишган. Чунки бу Учинчи Рейх лойиҳасини яратган Ғарбнинг манфаатлари учун керак эди.

Демак, бу фикрлардан келиб чиқиб айтиш керакки, Европада қаршилик кўрсатиш харакатининг кўлами жиҳатидан СССР бошчилигидаги мамлакатларнинг социалистик блоки ҳам мафкуравий ҳам сиёсий мақсадларга хизмат қилган. У даврда кўплаб давлатларнинг Гитлер блокига аъзо

---

* **Самсонов А. Европейское движение сопротивления: миф и реальность/** https://topwar.ru/93700-evropeyskoe-dvizhenie-soprotivleniya-mif-i-realnost.html (дата **обращения 05.04.2021).**

бўлганлиги ёки деярли қаршиликсиз фашистларга таслим бўлганига кўз юмиш яхши позиция эди. Шунинг учун бўлса керакки, Европада немис фашистлар харакатининг бошланиши Францияда «ғалати уруш»(странная война), Германияда «ўтроқ ҳолатидаги уруши»(сидячая война), Қўшма Штатларда эса «ҳаёлий»(мнимая) ёки «кўринмас уруш» (призрочная война) каби ном олди.

Ёки бошқа Европа мамлакатлари қўшинларининг вермахт билан жангларда ўз ерлари учун ҳақиқий жангдан кўра, кўпроқ маросим, аниқроғи қисқа муддатли «одатига» риоя қилишга ўхшарди. Гуё, душманни ўз мамлакатига осонгина киритмасдан, ҳеч бўлмаганда қаршилик кўрсатиш харакатининг кўринишини сақлаб қолиш керакдек туюларди. Ҳақиқатан ҳам Ғарбий Европа элиталари ўз давлатларини шунчаки таслим қилдилар, дейди Александр Самсонов. Бироқ, бу бутун Германия халқнинг қаршилик харакати эмас эди. Германия томонидан босиб олинган бошқа мамлакатларнинг аксарият қисмида бўлгани каби, данияликлар, норвегияликлар, голландлар, чехлар, словаклар, хорватлар, французлар ва бошқа европаликлар дастлаб «умумевропа империясида» ўзини яхши ҳис қилишар эди. Бундан ташқари, аҳолининг энг фаол қисми Гитлерни қўллаб-қувватлашар эди, айниқса, ёшлар СС қўшинларига оммавий қўшила бошлади.

Юқоридаги авторнинг фикрлардан келиб чиқиш айтиш керакки, бу каби фикрлар айнан Қаршилик харакатлари бўртирилганлиги, маълум бир давлатлар манфаати ва мафкуравий таъсир остида бўлганлигини исботлашга ҳаракат қилинган муносабатлар дейиш мумкин.

Бундан ташқари, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган давлатларнинг муносабатларини ҳам ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Мақоламизда бу масалани Франция мисолида ёритамиз. Бу борада Урланис Борис Цезаревич томонидан берилган қарашларни таҳлил қилиш муҳимдир. У Франциядаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари ҳақида ўзининг статитик кузатувлари натижасидаги илмий хулоса ва фикрларини билдирган.* Унинг фикрича, Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида беш йил давомида 40 млн Франция аҳолисидан 20 минг французлар ҳалок бўлишган. Шу йиллар давомида яна 40 мингдан 50 мингга яқин француз аҳолиси ҳалок бўлган. Яъни, учинчи рейх учун курашганлардан 2-2,5 баровар кўпроқ аҳоли ҳалок бўлган. Хаттоки, баъзида Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари шу даражада ёритиладики, уни Сталинград учун жанг билан таққослашга харакат қилингандек тасвирланади. Бундай муносабатни ўша вақтларда Совет Иттифоқи ҳам қўллаб-қувватлаб келган. Гуё бутун Европа СССРни қўллаб-қувватлаб келганидек кўрсатиш мақсадида.

Баъзи тадқиқотчилар Польшани кучли Қаршилик кўрсатган мамлакатлар қаторига киритишади. Бу масалада ҳам совет демографи Урланис Борис Цезаре-

---

* Урланис Б.Ц. Войны и народонаселение Европы. — М.: Издательство социально-экономической литературы, 1960. — 565 с.;Урланис Б.Ц. История военных потерь: Войны и народонаселение Европы. Людские потери вооруженных сил Европейских стран в войнах XVII—XX вв. (историко-статистическое исследование). Полигон, АСГ, 1994./ https://www.ozon.ru/product/istoriya-voennyh-poter-voyny-i-narodonaselenie-evropy-lyudskie-poteri-vooruzhennyh-sil-25193184/ |

вичнинг ўз қарашлари мавжуд. Унинг фикрича, Польшадаги вазият диққат билан кўриб чиқилса, Францияда бўлгани каби, бу ерда ҳам ҳақиқат безатилганлигини кўриш мумкин. Урланис томонидан тўпланган маълумотларга кўра, Югославия қаршилик кўрсатиш харакатлари пайтида 300 мингга яқин киши (мамлакатнинг 16 миллион аҳолисидан), Албания Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида 29 мингга яқин одам (жами 1 миллион аҳолидан) ҳалок бўлган. Польша қаршилик кўрсатиш харакатларида эса 33 минг киши ҳалок бўлган (Польша аҳолисининг 35 миллионидан). Шундай қилиб, Польшада фашистларга қарши ҳақиқий курашда ҳалок бўлган аҳолининг улуши Югославия билан таққослаганда 20 баравар кам, Албанияга қараганда деярли 30 баравар кам.

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, у даврдаги жараёнларни бир неча вазиятлар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, Польшадаги Қаршилик кўрсатиш харакатларининг сустлигига сабаб, поляклар узоқ вақт давомида Европа цивилизациясининг бир қисми бўлиб қолганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иккинчидан, поляклар аллақачон Европа цивилизациясининг бир қисмига айланиб, уларнинг таффакури, дунёқараши ҳам Ғарб мафкураси билан сингдирилган эди, дея таҳмин қилишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, 1941 йилга келиб деярли барча Европа қитъасига у ёки бу тарзда, ҳеч қандай зарбаларсиз Гитлер империяси кириб келган эди. Италия, Испания, Дания, Норвегия, Венгрия, Руминия, Словакия (Чехиядан ажралиб), Финляндия ва Хорватия (Югославиядан ажралиб) - Германия билан биргаликда СССРга қарши урушга киришди ва ўз қўшинларини Шарқий фронтга жўнатишди. Тўғри, Дания ва Испания, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, буни расмий равишда уруш эълон қилмасдан қилдилар.

Эътибор бериш керакки, Учинчи Рейхнинг асосий кучлари Россия фронтида мағлубиятга учраб, Германия бошчилигидаги Европа қўшинлари СССРни синдира олмаслиги аниқ бўла бошлагандан сўнг, Ғарбий Европада Қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари пайдо бўла бошлади. Шунда Лондон ва Вашингтон ўз концепцияларини ўзгартиришди, яъни энди Европадаги урушда бой бермаслик учун, унга аралашиш керак дея асослашди. Шундан сўнг Қаршилик кўрсатиш кучлари фаоллаша бошлади. Масалан, Крайовой армияси томонидан уюштирилган Варшава қўзғолони 1944 йил ёзида, Қизил Армия аллақачон Варшава яқинига келиб қолганидан сўнг бошланган.

Франция ер ости қўзғолончиларининг фаолияти асосан, 1944 йил 6-июнда Иттифоқдош мамлакатларнинг Нормандияга тушганидан кейин бошланди. Парижнинг ўзида ҳам Қаршилик кўрсатиш харакатлари 19 августда генерал Леклерк бошчилигидаги «Озод французлар»нинг шаҳарга киришидан атиги 6 кун олдин бошланди. Бу воқеаларга Француз олимлари ҳам ўз муносабатларини билдирган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ғарбий Европанинг Қаршилик ҳаракати билан боғлиқ мавзу француз тарихшунослигида доимо долзарб бўлган, бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. 1950-йилларга келиб Қаршилик кўрсатишнинг ғоявий қарашлари ва сиёсий дастурини шакллантириш жараёнини

батафсил очиб беришга имкон берадиган муҳим ҳужжатлар нашр этилди*. Француз тарихчилари Франциядаги Қаршилик кўрсатиш тарихини турли қирраларини ўрганиб келишади. Масалан, 1958 йилда таниқли француз тарихчиси А. Мишель Европанинг қаршилик кўрсатиш тарихига бағишланган халқаро конференцияда маъруза қилиб, Европа Қаршилик кўрсатиш харакати ва иттифоқчилар ўртасидаги муносабатларини ёритди. Кейинчалик 1961 йилда унинг "Европадаги антифашистик ҳаракатлар 1939-1945йй.»** деб номланган монографияси ҳам чоп қилинади.

Таниқли француз тадқиқотчиси О. Вьевьорка Иккинчи Жаҳон уруши тарихига оид бир қатор асарлар муаллифи ҳисобланади***. Унинг «Ғарбий Европада Қаршилик кўрсатиш харакати»**** номли асарида Дания, Франция, Италия, Голландия ва Норвегияда Қаршилик кўрсатиш ҳаракати ҳақида кенг маълумотлар келтирилган. Авторнинг фикрича, биринчидан, айнан шу давлатлар Германия истилосига кўпроқ дуч келиб, улардаги ишғол қилиш шарт-шароитлари Шарқий Европа ва Болқондагидан фарқ қилган. Иккинчидан, Европани озод қилиш пайтида ушбу мамлакатларнинг барчаси инглиз-америкалик иттифоқчилар масъулияти зонасига тегишли эди.

О. Вьевьорканинг қарашларига кўра, Қаршилик кўрсатиш харакатларининг фаоллашувида ер ости матбуотининг пайдо бўлиши катта роль ўйнади. О. Вьевьорка Иккинчи жаҳон урушининг босқичлари ҳақида фикр юритар экан, 1940-1945 йилларда Ғарбий Европа минтақаларидаги Қаршилик ҳаракатларининг ўзаро фарқли жиҳатларини аниқлашга интилади. У тегишли масалага ойдинлик киритиш учун, масалан, 30-йилларнинг охирига келиб Франция, Бельгия, Нидерландия, Дания, Норвегиянинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижаларини, географик рельефнинг ўзига хос хусусиятларини ва ушбу давлатларнинг позицияси таққослайди. Булар ҳам таъсир қилиш мумкинлигини таъкидлайди.

Бундан ташқари, француз тадқиқотчиси: «Ғарбий Европа Англия-Америка кучлари томонидан Қаршилик ҳаракати мавжудлигида ва йўқлигида ҳам озод қилинган эди. Аммо у ҳар хил шароитда озод қилинган бўлар эди - бу муҳим омил."***** Унинг таъкидлашича, биринчидан, Қаршилик кўрсатиш харакатларининг пайдо бўлиши Ғарбий Европани аввало нацизмдан озод қилиш учун жуда қулай шароит бўлди. Иккинчидан, ҳокимиятни тартибли

---

* См.:: Les idées politiques et sociales de la Résistance (Documents clandestins, 1940-1944). Textes choisis et introductions par H. Michel et B. Mirkine-Guetzevitch. Préface de Georges Bidault. Paris, 1954.

** Michel H. Les mouvements clandestins en Europe. 1939-1945. Paris, 1961.

*** Wieviorka O. Vichy a-t-il été liberal? Le sens de l'intermède Flandin// Vingtième siècle. Revue d'histoire. № 11. 1986; Idem. La génération de la Résistance // Vingtième siècle. Revue d'histoire. № 22. 1989; Idem. Une certaine idée de la Résistance. Défense de la France. 1940-1949. P., 1995; Idem. Guerre civile à la française? Le cas des années sombres (1940-1945)//Vingtième siècle. Revue d'histoire. №85. 2005; Idem. Histoire de la Résistance. 1940-1945. P., 2013.

**** Wieviorka O. Une histoire de la Résistance en Europe occidentale. Paris, 2017.

***** Olivier Wieviorka. Une histoire de la Résistance en Europe occidentale. - Paris: Perrin, 2017. Исторические Исследования, № 14 (2019)/Ibid. P. 396.

ва тизимли равишда янги, демократик ҳокимият қўлига ўтишига яхши замин бўлди. Демак, авторнинг фикрларини таҳлил қилиб айтишимиз мумкинки, Европадаги Қаршилик кўрсатиш харакатларига нисбатан ҳам турли хил муносабатлар ва қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан, Европадаги Қаршилик кўрсатиш харакатлари алоҳида аҳамитяга эга жараёнлар ҳисобланади.

Хулоса

Шундай қилиб, Иккинчи Жаҳон уруши ҳамда Европадаги Қаршилик кўрсатиш харакатларига нисбатан дунё олимлари томонидан турли хил қараш ва муносабатларни ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда бир неча хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Қаршилик кўрсатиш харакати ҳақидаги маълумотларни қайта кўриб чиқиш ва уларни объектив ўрганиш олимлар олдида турган долзарб вазифадир. Масалан, баъзи тадқиқотлардаги Европадаги Қаршилик кўрсатиш харакатлари бўртирилган, нацистлар ҳақиқий қаршиликни фақат ўзларига бегона бўлган цивилизациялар ва маданиятлар - СССР, Югославия ва Греция мамлакатларида тўқнаш келганда, аксарият Европа мамлакатларидаги Қаршилик ҳаракати урушнинг охирги йилларига келиб, иттифоқчи қўшинлар томонидан қўзғолончи ҳудудларни озод қилинишидан сал олдин таъсирчан омилга айланди, деган хулосалар таҳлилга мухтож бўлиб, янада аниқлик киритиш мақсадида илмий ўрганиш керак. Бунинг учун эса хориж архивларидаги маълумотларни илмий ўрганишга имкон яратилиши керак.

Иккинчидан, Европадаги Қаршилик кўрсатиш харакатларига билдирилган қарашлар дастлаб сиёсий ва мафкуравий аҳамиятга эга бўлган. Совет Иттифоқи қулаганидан сўнг, СССР-Россия ҳақидаги ҳар хил фикрлардан фойдаланиш мақсадида, Европа Қаршилик кўрсатиш харакатлардаги хизматларини ва СССРнинг ролини пасайтириш учун ҳам янада мифологияга айлантирилди.

Учинчидан, Иккинчи Жаҳон уруши давридаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатларини Европа халқларининг фашистлар Германияси ва унинг иттифоқчиларига қарши яширин партизан кураши дея аташ мумкин. Бундай яшири курашнинг турли хил услуб ва шакллари мавжуд бўлган.

Тўртиничдан, турли хил қарашларга қармасдан, шубҳасиз, Қаршилик ҳаракати Ғарбий Европани озод қилишда муҳим роль ўйнади. Қаршилик кўрсатиш харакати разведкаси томонидан тўпланган маълумотлар иттифоқчи кучларнинг олдинга силжишини тезлаштирди ва немис фашист кучларининг маневрлари учун тўсиқлар яратишда муҳим роль уйнади. Бежиз эмаски, 10 апрель дунёда Халқаро Қаршилик ҳаракати куни сифатида нишонланади.

Бешинчидан, умуман олганда, нацистларнинг ҳокимияти, қаердадир нисбатан юмшоқ ва қайсидир бир жойда қаттиқ бўлганлигини кўриш мумкин. Лекин Европа мамлакатларидаги айрим ижтимоий кучлар ва гуруҳларнинг қаршилигини қўзғатгани аниқ. Чунки Гитлер режимига қаршилик харакатлари Германиянинг ўзида ҳам бўлган бўлиб, унда хилма-хил ижтимоий гуруҳлар, ишчи ва коммунистлар ҳам бўлган. Ҳаттоки Адольф Гитлерга бир неча маротаба ҳужм қилингани ҳам буни исботи бўлиши мумкин.

Олтинчидан, тадқиқот доирасида ўрганиб чиқилган маълумотларга асосланиб айтиш керакки, Франция, Италия, Югославия, Албания ва Грецияда (Совет Иттифоқини ҳисобга олмаганда) Қаршилик кўрсатиш харакатлари кенг миқёсда ва оммавий тус олган эди. Бунинг сабабларидан бири сифатида, Болқон ярим оролида чуқур патриархал табиати билан изоҳлаш мумкин. Бу ердаги халқлар маданий ўзига хослигини сақлаб қолган бўлиб, серблар, юнонлар ва албанлар учун учинчи рейх ўрнатмоқчи бўлган тартиблар бегона эди.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, юқорида келтирилган маълумотларни мафкуравий ва сиёсий таъсирласиз объектив ўрганиш зарур. Хориж олимлари томонидан ўрганилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида ўзбекистонлик партизанларнинг жасоратларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қаршилик харакатининг бошқа хизматларини ҳам батафсил таҳлил қилиб, Иккинчи Жаҳон уруши ва умуман Европа тарихида Қаршилик харакатининг ахлоқий-маънавий роли алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, Қаршилик харакати қолдирган мероснинг бу жиҳати эътиборсиз қолмаслиги керак дея хулоса қиламиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ташпулатова Муборак
Мустақил изланувчи

Аннотация. Мустақиллик йилларида республикада миллий таълим ва тарбия тизими давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Илмий мақолада мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатда ноёб узлуксиз таълим тизими барпо этилгани ҳамда унда мактабгача таълим соҳаси мазкур тизимнинг илк бўғини эканлиги тадқиқ қилинган. Мақолада мактабгача таълим тизимидаги ислоҳотлар тизимли таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Таълим, тарбия, бошланғич таълим, боғча, хусусийлаштириш, Харакатлар Стратегияси, келажак, ривожланиш.

Аннотация. В годы независимости национальная система образования и воспитания в республике была возведена в ранг главного приоритета государственной политики. В научной статье исследуется, что в результате успешного внедрения Национальной программы по подготовке кадров, получившей широкое признание мирового сообщества в годы независимости, в стране была создана уникальная система непрерывного образования, в которой сфера дошкольного образования является её начальным звеном. В статье проведён системный анализ реформ в системе дошкольного образования.

Ключевые слова. Образование, воспитание, начальное образование, детский сад, приватизация, Стратегия действий, будущее, развитие.

Abstract. During the years of independence, the national system of education and upbringing in the republic has been raised to the level of a main priority of state policy. This scientific article explores how the successful implementation of the National Program for Personnel Training, which gained wide recognition from the global community during the independence years, led to the creation of a unique system of continuous education in the country, with the preschool education sector serving as its initial stage. The article provides a systematic analysis of the reforms within the preschool education system.
Keywords. Education, upbringing, primary education, kindergarten, privatization, Actions Strategy, future, development.

Мактабгача таълим - мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларнинг шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгалланишини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён ҳисобланади.


Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Биргина 2015/2016 йиллар давомида 459 та мактабгача таълим муассасаси мукаммал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди. Шу билан бирга, янги Ўзбекистондаги шиддатли ўзгаришларга қарамасдан, мактабгача таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва ўқув-тарбиявий режаларига қўйилган давлат талабларини такомиллаштириш долзарб масалалигича қолмоқда. Мавжуд

муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [1] қарори қабул қилинди.

Дастур асосида болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш, мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини 50 та янги қурилиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш, 983 тасини мукаммал таъмирлаш орқали кенгайтириш, болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 1,5 баробар ошириш каби кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 2,2 триллион сўм маблағ ажратилди. [1]

Мактабгача таълим тизимидаги энг муҳим масала бу болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши ҳисобланади.

1-диаграмма.



Кўриниб турибдики, кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси охирги 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди.[2]

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш ва 2017 йилда ушбу йўналишнинг стратегик ривожланишини таъминлаш мақсадида мамлакат раҳбарияти Мактабгача таълим Вазирлигини ташкил этишга қарор қилиб, “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этилди. [3]

Янги вазирлик олдига мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари қўйилди.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда, уларнинг бари болалар ва педагоглар манфаатлари йўлида хизмат қилишига, шунингдек мактабгача таълим сифатини яхшилашга қаратилган. Президентнинг 3651-сонли қарорига[1][4] мувофиқ, Ўзбекистонда биринчи марта МТВ томонидан Давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги (ДХСҲ)га доир қоидалар ишлаб чиқилди. Унда ДХСҲнинг 10 модели кўрсатилган бўлиб, ишбилармонлар уларга жалб қилина бошлади. Қарорда бундай ишбилармонлар учун имтиёз ва преференциялар белгилаб берилган. Бугунга келиб ДХСҲ бўйича 741 шартнома рўйхатдан ўтказилган, 100 млн доллар (тахминан 780 млрд сўм) ажратилган. [5]

Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, Педагогика университетлари қошида 4 ойлик қайта тайёрлаш курслари очилди. Бугунга келиб 9400 дан зиёд педагоглар уларни тугаллаб, МТВ тизимига қамраб олинди. Бундан ташқари, янги мослашувчан модел ишлаб чиқилди, яъни педагогик маълумотга эга бўлмаган кишилар учун 6 ойлик курслар ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг сони ортиб бормоқда. Уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

2 диаграмма



[1] Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3651-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 05.04.2018.

Кўриниб турибдики, 2020 йилга келиб боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди. [2] Умуман олганда, Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислоҳотлар натижасида 2020 йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентнинг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли Фармони билан масъул тузилмаларнинг асосий вазифалари белгилаб қўйилган 2030 йилгача бўлган Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда:

- Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шароит яратиш;
- Қамровни кўпайтириш, болаларга сифатли таълим олиш имкониятини тенг равишда таъминлаш, бу борада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;
- Мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникацияларини жорий этиш;
- Мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;
- Мактабгача таълим тизимида кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаш ва ривожлантиришга принципиал янги ёндошувларни жорий этиш каби масалалар белгиланди.

2018-2019 ўқув йили давомида МТВ томонидан болаларни мактабга бир йиллик бепул тайёрлаш бўйича пилот лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Унинг доирасида бошланғич таълимда мажбурий тайёргарлик кўришнинг 494 гуруҳи ташкил этилди. Режага кўра, 2021-2022 ўқув йилида 5-7 ёшдаги болаларимиз 100% дастур билан қамраб олинади, нафақат бола тарбиясида, балки унинг интеллектуал ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. [7]

Ҳалқаро ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Турли халқаро молия институтларидан қўшимча маблағлар жалб қилинмоқда. 2018-2019 йилларда уларнинг сони 133 миллион доллар бўлиб, маблағларнинг аксарияти Жаҳон банкининг инвестицияларидан иборат бўлди. 2020 йил январь ойида Ўзбекистонда болаларни эрта ривожлантириш бўйича грант лойиҳаси ишга туширилди, унинг жамғармаси 10 миллион долларни ташкил этди. [7]Маблағларнинг деярли ярми болалар боғчаларига давлат-хусусий шериклик шаклида жалб қилинди.

ЮНИСЕФнинг халқаро экспертлари билан биргаликда Жанубий Кореянинг илғор хорижий амалиёти ва тажрибалари асосида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш бўйича Давлат талаблари ва “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Унинг асосий хусусияти шундаки, ҳар бир болалар боғчаси ўз дастурини ишлаб чиқиш, қўллаш ҳуқуқи ҳамда имкониятига эга бўлди.

"Илк қадам" дея номланган янги дастурнинг асосий тамойили - таълим жараёнига қелаёган кичик ёшли болаларнинг илк қадамларидир. Янги дастурда барча нарсанинг асоси ижтимоий ёндашувдир, яъни диққат марказида - бола ва унинг манфаатлари туради. Педагог ота-она, педагогик таркиб, боланинг ўзи ва албатта, жамият ҳамда давлат каби ижтимоий ҳамкорлар билан бир ижтимоий муҳитни ташкил қилади. Дастур асосида билим олиш жараёнини интерфаол ўйинлар орқали ривожлантириш ётади. Болаларда илм олиш, ижод қилиш, ижтимоий йўналиш каби тушунчалар ривожланади, соғлом ҳаёт тарзи тарбияланади ва улар ижтимоий муҳитда ўзларини қандай тутиш кераклигини тушуна бошлашади.

Алоҳида эътибор бериш керакки, “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида илк маротаба “Бор экан-зўр экан” мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришга қаратилган журнал ташкил қилиниб, у ҳозирча ўзбек ва рус тилларида чоп қилинмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида 2021 йил мактабгача таълим тизимида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қуйидаги кенг кўламли ишларни амалга ошириш режалаштирилди:

Дастурда бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади. Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад – боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат дея белгиланди.

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказиш режалаштирилди. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказиш мўлжалланди. Бунда республиканинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 40 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, олис ва аҳолиси тарқоқ жойлашган ҳудудларда эса 2000 та оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ривожлантириш орқали 54000 қўшимча қувват ҳамда 4 400 янги иш ўринларини яратиш назарда тутилди. [8]

Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.[8] Яъни, Жаҳон банки билан ҳамкорликда Республиканинг чекка ҳудудларидаги 7 ёшгача бўлган алоҳида таълимга эҳтиёжи мавжуд болалар, жумладан талаффузида нуқсони бўлган болалар учун «Уйга ташриф» мактабгача таълимнинг муқобил шаклини жорий қилиш, улар учун педагогларни танлаб олиш, болаларни бошланғич таълимга тайёрлаш бўйича мактабгача таълимнинг муқобил шакли сифатида «Илк ривожланиш марказ»лари фаолиятини ташкил этиш назарда тутилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади. Бунда болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш, боланинг илк ривожланишига хизмат қиладиган мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини янада кенгайтириш. Бунда «Ақлвой» лойиҳаси доирасида республикадаги мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган ҳамда қамров кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудларда 4,7 мингдан ортиқ болаларни қамраб оладиган қайта жиҳозланган 49 та Исузу автобуслари негизида 294 та гуруҳларни шакллантириш ҳамда 98 та болалар майдончасини ташкил этиш орқали мобил гуруҳлар тармоғини кенгайтириш режалаштирилди.

2017 йил 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилиниб, 195 та боғча капитал таъмирланган [3] бўлса, 2021 йилда 22 та мактабгача таълим ташкилоти бинолари объектларининг қурилиши таъминланиши белгиланди. [9]

Хулоса қилиб айтиш керакки, Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва

педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент шаҳри, 2016 йил 29 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 29.12.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017
4. Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3651-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 05.04.2018.
5. Л.Раҳмонбоева. Мактабгача таълим: Муаммолар ва уларниечимлари /https://kun.uz/news/2018/08/29/maktabgaca-talim-muammolar-va-ularning-ecimlari
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020/ https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu
7. Новейшая история Узбекистана. Учебник для вузов. (Под ред. д.и.н.. проф. М.А.Рахимова).-Т.: “Nurafshon business”. 2020. С. 254.
8. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6155-сон 03.02.2021 йил Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020/ https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu

Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари.
Фанлараро илмий-назарий журнал. № 1-2 (6-7), 2020. – 152 б.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0848.

Босишга рухсат этилди 11.10.2021.
Ҳажми: 17,7 босма табоқ. Гарнитура Cambria. Қоғоз бичими: 60x84x1/8. Адади 200 нусха.
Буюртма № 99

Таҳририят манзили: 100047, Тошкент, Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.
Телефонлар: (71) 233-37-01; (71) 233-37-11.
E-mail: uzconhistory@academy.uz

ISSN 2181-8231

«TURON-MATBAA» МЧЖ да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.